

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ**

**“ҲИМОЯГА РУХСАТ ЭТИЛДИ”**  
**“Диншунослик ва жаҳон**  
**динларини қиёсий ўрганиш**  
**ЮНЕСКО” кафедраси мудири**  
**“\_\_\_\_\_” т.ф.н.,доц. Н.Муҳамедов**  
**“\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ 2012 йил**

**Ҳайитов Элбек Маҳмадҷонович**

**Мавзу: ЭЪТИҚОД ТУШУНЧАСИ: ТЕОЛОГИК ВА ФАЛСАФИЙ**  
**ТАЛҚИНЛАР**

**Таълим йўналиши: 5220400 – Диншунослик**

**Бакалавр даражасини олиш учун тақдим этилган**  
**битирув малакавий иши**

**Илмий раҳбар: ф.ф.н., Б. Валиев**

**Тақризчи: ўқит. Р. Исоқҷонов**

**ТОШКЕНТ – 2012**

## М У Н Д А Р И Ж А

<b>КИРИШ .....</b>	<b>3</b>
<b>I. БОБ. ЭЪТИҚОД – МАЪНАВИЯТНИНГ АЖРАЛМАС ҚИСМИ.....</b>	<b>9</b>
1.1. Эътиқод ва диний эътиқод: теологик ва фалсафий ёндашувлар.....	9
1.2. Диний эътиқоднинг кишилар маънавий ҳаётидаги ўрни.....	24
<b>II. БОБ. ДИНИЙ ЭЪТИҚОДНИНГ МУҲИМ ФУНКЦИЯЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ ҲАЁТДАГИ АҲАМИЯТИ.....</b>	<b>32</b>
2.1. Миллий – маданий ва маънавий – маърифий қадриятларнинг сақланишида диний эътиқоднинг роли.....	32
2.2. Диний эътиқоднинг маънавиятни шакллантириш ва юксалтиришдаги аҳамияти.....	40
2.3. Диний эътиқодни шакллантирувчи ва маърифатга йўналтирувчи омиллар.....	49
<b>ХУЛОСА .....</b>	<b>57</b>
<b>Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати.....</b>	<b>59</b>

## КИРИШ

**Мавзунинг долзарблиги.** Маълумки, бугун биз юртимизда халқимиз хоҳиш-иродасининг ифодаси бўлган Конституция ва қонунлар асосида демократик, дунёвий давлат барпо этмоқдамиз. Бу давлат авваламбор дунёвий тараққиётга, унинг энг илғор ютуқ ва натижаларига таянади.

Айни пайтда шуни ҳам унутмаслик керакки, дунёвийлик бу – даҳрийлик дегани эмас. Дин ва диний эътиқод бутунлай рад этиладиган ҳаёт қандай ғайриинсоний кўринишга эга эканини биз кечаги тарихимиз мисолида яхши биламиз. Бундай мафкуранинг хатарли томони шундаки, у неча асрлар давомида дин негизида шаклланган, халқ ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб кетган қадриятлар – бу ёзма ёки оғзаки, моддий ёки маънавий мерос бўладими, ахлоқ ёки анъаналар бўладими, миллий дунёқараш ёки турмуш тарзи бўладими – буларнинг барчасини рад этади. Натижада одамзот ўзининг ички дунёси, ҳис-туйғу ва қарашлари, таяниб-суяниб турадиган пойдеворидан маҳрум бўлиб, “шўро дохийлари” айтганидек, улкан давлат машинасининг “винтчаси”га айланади. Охир-оқибатда бундай одам ота-онасини ҳам, ўз миллати, халқи ва Ватанини ҳам танимайдиган аянчли ҳолатга тушиб қолади<sup>1</sup>.

Шунинг учун ҳам бугунги кунда кишилар қалбида ва онгида соғлом диний эътиқодни шакллантириш фуқаролик жамиятини қуришнинг муҳим омилларидан ҳисобланади, чунки диний ташкилотлар фуқаролик жамиятининг таркибий қисмидир. Жамият маънавий ҳаётида муҳим ўрин тутадиган ижтимоий онгнинг шаклларида бири диний онгдир. Диний онг ижтимоий онгнинг шундай шаклики, у табиий ва ижтимоий борлиқнинг илоҳийлаштирилган, ҳаёлий инъикосидир. У кишиларнинг табиат ва жамият ходисаларида, ўзларига ва бир-бирларига муносабатларини илоҳий кучларга боғлаб, уларнинг иродаси, хоҳиши, карами, саҳовати ёки қаҳри, ғазаби, нафрати, жазоси сифатида ифодалайди.

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Тошкент:“Маънавият”, 2010. –Б. 93.

Диний эътиқод эса диний онгнинг асосий элементи сифатида диний ақидаларга, йўл-йўриқ ва кўрсатмаларга шак шубҳасиз ишониш ҳамда уларга амал қилишдир. Диний эътиқод илохий кучларга ишонувчи кучлар онгида бўлган диний тасаввурлар, образлар мажмуасидир. Ҳар қандай диний онгнинг негизида диний эътиқод ётади.

“Эътиқод” сўзи арабча “иътақада” феълидан олинган бўлиб, “ишонч”, “комил ишонч”, “иймон”, “иймонли бўлиш”<sup>2</sup> маъноларини англатади. Кенг маънода эътиқод бу инсоннинг олдида турган мақсад ёки ғоя ҳақ эканига тўла ишонч билан боғлиқ бўлган ўзига хос психологик ҳолатдир. Айни вақтда эътиқод учун турли шарт-шароитлар мавжуд бўлмоғи лозим. Умуман олганда, эътиқод бу – шахс, гуруҳ ва оммани жипслаштирувчи, одамларни ижтимоий ҳаётнинг фаол аъзосига айлантирувчи омилдир.

Диний эътиқод бу объектив (яъни инсон иродасидан юқори турган) Зотга иймон келтириш, У билан бевосита мулоқотда бўлиш, Ундан мадад олиш, ғаройиб воқеа-ҳодисаларнинг такрор содир бўлиши ва унга дахлдорлик ҳамда муайян тасаввур, ақида, муқаддас китоб ва пайғамбар, авлиёларга ишонч, демакдир.

Диний эътиқодда муайян тимсоллар (буюм, ҳаракат, сўз, матнлар) диний маъно ва мазмун касб этади. Уларнинг йиғиндиси диний йўналишнинг шаклланиши ва фаолият кўрсатишини таъминлайди. Ҳар бир дин ёки диний конфессия (йўналишнинг) собиқ ақидалари мавжуд<sup>3</sup>.

Юксак билимнинг шаклланиши эътиқод билан узвий боғлиқ. Бу тушунчани одатда фақат дин билан боғлайдилар. Ваҳолангки, агар эътиқод ишонч деган маънони англатиши ҳисобга олинса, материалист, атеист олим ҳам нимагадир эътиқод қилади. Фақат фарқ шундаки, олим ақлнинг куч-қудратига эътиқод қилса, ўзлигини билиб олган инсонлар эса борлиқнинг Мутлоқ Ҳақиқати ва Мутлоқ Эзгулигини ўзида узвий жам этган энг туб асос

<sup>2</sup> Ан-Наъим. Арабча-ўзбекча луғат. –Тошкент: 2003. 552-бет.

<sup>3</sup> Қаранг: Основы религиоведения. Под редакцией И.Н.Яблокова. –Москва:Высшая школа, 1998. –С. 64-65. // Бағрикенглик – барқарорлик ва тараққиёт омили. –Тошкент:“Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа биришмаси, 2007. –Б. 90.

мавжудлигига эътиқод қиладилар. Бунда ушбу асосни нима деб аталишининг (Худо, Аллох, Браҳман, Яхве ва ҳ.к) мутлақо аҳамияти йўқ. Демак билим эгалари эътиқод объектларининг ҳар хиллиги билан ҳам фарқланадилар ва шунинг учун ҳам кўп асрлар мобайнида атеистлар, олимлар, диндорлар орасида ҳамиша зиддиятлар мавжуд<sup>4</sup>.

Ваҳоланки, инсониятнинг машҳур донишмандлари, масалан, Пифагор ўз давридаёқ “Диндорларнинг билимсизлиги, олимларнинг эътиқодсизлиги, демократияда интизом бўлмаслиги халқнинг бошига ҳали кўп кулфатлар солади” деган фикрни олдинга сургани бежиз эмас экан.

Қолаверса, XIX аср охирлари рус фалсафасининг йирик намояндаларидан бири бўлган В.Соловьев ҳам “Билиб-нетмай, кўр-кўрона қилинадиган эътиқод аввало инсондан буни кутмайдиган объектнинг ўзи (Худо) учун аянчлидир... (Зеро) У инсонга онглаш қобилиятини ўзидан кўрқиб, титраб-қақшаб, ёки ўзига ҳайвонларча сўзсиз бўйсуниб яшасин деб берган эмас”<sup>5</sup> – деган фикри билан ҳам уйғун.

Маълумки, диншунослик, фалсафа ва бошқа ижтимоий фанлар доимо бир-бирини тўлдириб келган. Шарқ ва Ғарб мутафаккирларининг ижтимоий-фалсафий қарашлари инсоният маънавиятини юксалтиришга хизмат қилган. Уларнинг бу қарашлари бугунги кунда жамият учун катта хавф туғдираётган диний экстремизм ва терроризм каби салбий ҳолатларни бартараф этишга хизмат қилади.

Ғарб тамаддунининг асоси Шарқ мутафаккирларининг илмий мероси ҳисобланар экан, ўз навбатида Ғарб илоҳиётшунос ва файласуф олимларининг ҳам диний эътиқод борасидаги қарашлари ҳали ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаганлигини таъкидлаш жоиз. Зеро, улар ижодидаги қимматли фикр-мулоҳазалар бугунги кунда юртимиздан етишиб чиқаётган кўплаб олимларнинг илмий тадқиқот ишларида объектив тарзда ўрганилмоқда. Шу жиҳатдан, улар яратган асарларда эътиқод ҳақидаги фикр-

<sup>4</sup> Шахноза Қаҳҳорова. Глобал маънавият – глобаллашувнинг ғоявий асоси. –Тошкент:“Тафаккур”, 2009. –Б. 95-96.

<sup>5</sup> В.Соловьев. Спор о справедливости. –Москва – Харьков:“ЭКМО–ПРЕСС”, “ФОЛИО”, 1999. –С. 807-808.

мулоҳазаларини илмий жиҳатдан ҳолисона ўрганишнинг долзарблиги мана шу каби объектив омиллар билан белгиланади.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ижтимоий ҳаётда диний эътиқоднинг ўрни, унинг муҳим функциялари қадим қадимдан илоҳиётшунос ҳамда файласуф олимларнинг тадқиқот изланишлари бўлиб келган. Мазкур тадқиқотлар доирасида Европа олимларидан Г.Скирбекк<sup>6</sup>, Н.Гиле<sup>7</sup>, А.Кентерберийский<sup>8</sup>, П.Абеляр<sup>9</sup>, Р.Бекон, У.Оккам, И.Кант<sup>10</sup>, Ф.Шеллинг<sup>11</sup>, В.С.Соловьев<sup>12</sup>, Ю.А.Кимелев<sup>13</sup>, И.Н.Яблоков<sup>14</sup>, К.Барт, Э.А.Жильсон, Ж.Маритен ва бошқаларнинг асарларида тилга олинади.

Шарқ олимларидан Ал-Форобий<sup>15</sup>, Ал-Беруний<sup>16</sup>, Ибн Сино<sup>17</sup>, Ибн Арабий<sup>18</sup>, Ибн Рушд<sup>19</sup>, Ал-Ғаззолий<sup>20</sup>, Ал-Шахрастоний<sup>21</sup> каби мутафаккир ва олимларнинг ижодида ҳам ушбу мавзунинг излари бор.

Шунингдек, бу соҳада изланишлар олиб бораётган ўзбекистонлик файласуф, тарихчи, диншунос олимларнинг асарларида мавзунинг турли қирраларига эътибор берилмоқда. Улардан Ҳ.А.Алиқулов<sup>22</sup>, А.Мансуров<sup>23</sup>, М.Содиқ М.Юсуф<sup>24</sup>, Н.Ғ.Низомиддинов<sup>25</sup>, А.Абдусамедов<sup>26</sup>, З.Мунавваров<sup>27</sup>,

<sup>6</sup> Г.Скирбекк, Н.Гиле. История философии. –Москва:“ГИЦ Владос”, 2000.

<sup>7</sup> Ўша асар.

<sup>8</sup> *Anselm von Canterbury. Cur deus Homo?* Munchen, 1937.

<sup>9</sup> Қаранг: *Абеляр П.* История моих бедствий. –Москва: 1959.

<sup>10</sup> Кант И. Трактаты и письма. –Москва: 1980.

<sup>11</sup> Ф.Шеллинг. Соч. Т. 1. –Москва:Мысль, 1987.

<sup>12</sup> В.С.Соловьев. Спор о справедливости. –Москва – Харьков:“ЭКСМО–ПРЕСС”, “ФОЛИО”, 1999.

<sup>13</sup> Кимелев Ю.А. Современная западная философия религии. –Москва: 1989.

<sup>14</sup> Основы религиоведения. Под редакцией И.Н.Яблокова. –Москва:Высшая школа, 1998.

<sup>15</sup> Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. –Тошкент: Мерос, 1993.

<sup>16</sup> Беруний, Абу Райхон. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар // Беруний А.Р. Танланган асарлар, I том, –Тошкент: 1968.

<sup>17</sup> Қаранг: N.Siraisi. *Avicenna in Renaissance Italy: The Canon and Medical Teaching in Italian Universities after 1500.* –Prisenton, 1987.

<sup>18</sup> Ибн Араби. Геммы мудрости (главы). Перевод А.В. Смирнова. В.Кн. М.Степанянц. Философские аспекты суфизма. –Москва:“Наука”, 1987.

<sup>19</sup> Қаранг: G.F.Hourani. *Averroes on the Harmony of religion and Philosophy.* London, 1961.

<sup>20</sup> Ғаззолий, Муҳаммад Абу Ҳомид. Ихё-ул-улум / Арабчадан А.Мансур таржимаси // Камалак. Адабий-танқидий йиллик тўплам. –Тошкент:“Ёш гвардия”, 1990.

<sup>21</sup> Муҳаммад ибн Абдулкарим ибн Аҳмад Ал-Шахрастоний. Ал-Милал ва-Ниҳал. –Миср: 1977.

<sup>22</sup> Алиқулов Ҳ.А. Этические воззрения мыслителей Средней Азии и Хорасана (XIV-XV вв). –Т.:Фан, 1992.

<sup>23</sup> Мансуров А. Ақоид матнлари. –Тошкент:“Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2006.

<sup>24</sup> Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Сунний ақийдалар. –Тошкент:“Шарқ”, 2008.

<sup>25</sup> Н.Ғ.Низомиддинов. Жанубий, Жануби-Шарқий ва Шарқий Осиё халқлари қадимги тарихи, диний эътиқоди, маданияти. (Хрестоматия). –Тошкент: 2010.

<sup>26</sup> Абдусамедов А.Э. Динлар фалсафаси. –Тошкент: 2010.

<sup>27</sup> Мунавваров З. Дунёвий давлат ва дин. –Тошкент: 2003.

Ш.Б.Қаҳҳорова<sup>28</sup>, М.Аҳмедова<sup>29</sup>, А.Эркаев<sup>30</sup>, И.Каримов<sup>31</sup>,  
М.М.Хайруллаев<sup>32</sup>, Ш.Ёвқочев<sup>33</sup>, А.Чориев<sup>34</sup>, А.Очилдиев<sup>35</sup>, каби  
олимларнинг тадқиқотларида ҳам мавзуга оид айрим жиҳатлар учрайди.

Лекин, ушбу тадқиқотларда бу мавзу бевосита тадқиқот объекти сифатида белгиланмаган ва комплекс равишда кенг очиб берилмаган. Битирув малакавий ишимизда ушбу мавзу манбаларга таянган ҳолда илмий тадқиқ этилди.

### **Битирув малакавий ишининг мақсади ва вазифалари.**

Тадқиқотнинг мақсади диний эътиқоднинг муҳим функциялари ва уларнинг ижтимоий ҳаётдаги аҳамияти билан боғлиқ муаммоларнинг ўзига хос хусусиятлари, улар тўғрисида билдирилган илоҳиётчи ва файласуф олимларнинг илмий-ижодий ёндашувларидаги диний-фалсафий жиҳатларини ҳолисона ўрганишдан иборат.

Қўйилган мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар белгиланди:

- эътиқод ва диний эътиқодга бўлган теологик ва фалсафий ёндашувларнинг моҳиятини очиб бериш;
- диний эътиқоднинг кишилар маънавий ҳаётидаги ўрнини ёритиб бериш;
- миллий маданият, қадриятлар, урф-одатларнинг безавол сақланиши ва миллий ўзликни англашда диний эътиқоднинг ролини эътироф этишга қаратилган тадқиқотлар доирасини аниқлаштириш ва уларда келтирилган фикрларни диншунослик нуқтаи назаридан ўрганиш;
- христианлик ва ислом манбаларида ижтимоий-маънавий қадриятларга оид баҳс мунозараларнинг ёритилиши, ўзига хос диний-фалсафий хусусиятларини аниқлаштириш ва ёритиб бериш.

<sup>28</sup> Шаҳноза Қаҳҳорова. Глобал маънавият – глобаллашувнинг ғоявий асоси. –Тошкент:“Тафаккур”, 2009.

<sup>29</sup> Аҳмедова М. Фалсафа асослари. –Тошкент:Ўзбекистон, 2006.

<sup>30</sup> Эркаев А. Маънавият ва тараққиёт. –Тошкент:“Маънавият”, 2009.

<sup>31</sup> Қаранг: Каримов Иброҳим. Вера как духовное состояние. –Тошкент:“Фан”, 1991.

<sup>32</sup> Хайруллаев.М.М. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккирлари. –Тошкент:“Фан”, 1971.

<sup>33</sup> Ёвқочев Ш. ва бошқ. Марказий Осиё динлари тарихи. –Тошкент:Шарқшунослик, 2006.

<sup>34</sup> Чориев Анвар. Билимдан ғояга, ғоядан эътиқодга. // Ж. Мулоқот. –Тошкент: 2002.

<sup>35</sup> Очилдиев А. Миллий ғоя ва миллатлараро муносабатлар. –Тошкент:Ўзбекистон, 2004.

**Тадқиқот натижаларининг аҳамияти.** Битирув малакавий ишида бир қанча илоҳиётшунос ва файласуф олимларнинг асарларида диний эътиқод масалаларига юксак даражада эътибор берилгани, жамият ва инсон ҳаётида диний эътиқоднинг роли, диндорлар ўртасидаги алоқалар, шунингдек, диний эътиқодни шакллантирувчи ва маърифатга йўналтирувчи омиллар нималарга боғлиқ эканлигини тушунтириб бериш ва шу орқали тотувлик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш йўллари аниқ ёритилганлиги асослаб берилди.

**Битирув малакавий ишининг таркиби.** Битирув малакавий иши кириш, икки боб, беш банд, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхатидан иборат.

## I. БОБ. ЭЪТИҚОД – МАЪНАВИЯТНИНГ АЖРАЛМАС ҚИСМИ

### 1.1. Эътиқод ва диний эътиқод: теологик ва фалсафий ёндашувлар

Диннинг юзлаб таърифлари мавжуд бўлгани каби, эътиқодга ҳам кўплаб таърифлар берилган. Турли соха эгалари, ўз сохаларидан келиб чиқиб эътиқодга таъриф беришган. Шу туйғайли турфа хил таърифлар юзага келган. Лекин бу таърифларнинг ҳеч бирининг устида иттифоқ қилинмаган. Қуйида бу таърифлардан бир нечасини мисол ўрнида келтириб ўтамиз<sup>36</sup>:

“Тирик жон кучли эътиқодга эга бўлмаслиги мумкин эмас... Эътиқодсиз кишиларгина эътиқодни амалга ошира олмайдилар; калтафаҳм одамлар ёки виждонсиз одамларгина эътиқодсиз бўладилар”. *Н.Г.Чернышевский*.

“Ўз эътиқодингни айтмоғинг учун журъатли бўлишинг керак”.  
*И.М.Сеченев*.

“Ҳар бир киши ўз эътиқодини ҳимоя қилиши учун мард бўлиши керак”.  
*А.Гумбольдт*.

“Эътиқод ўзимизники бўлгани учун эмас, балки ҳаққонийлиги учунгина қимматлидир”. *В.Г.Белинский*.

“Ҳар қандай қатъий эътиқодларимиз ҳам билимларнинг янада юксалиши туйғайли улоқтириб ташланиши ёки жуда бўлмаганда ўзгартирилиши мумкин”. *Т.Гексли*.

“Агар сен одамлардаги самимий, чуқур, беғараз эътиқодларни рад этгудек бўлсанг, унда мен сенинг ўзингда ҳеч қандай эътиқод йўқлигини ҳар жиҳатдан асослаб бера оламан”. *Я.А.Добролюбов*.

“Эътиқод актив фаолиятда намоён бўлишдан ташқарида яшай олмайди”.  
*В.А.Сухомлинский*.

“Эътиқод ўз табиатига кўра фаолсиз маънавий бойлик бўлолмайди”.  
*В.А.Сухомлинский*.

“Эътиқодни деворга осиб кўз-кўз қилиб бўлмайди”. *О.Бальзак*.

<sup>36</sup> Қаранг: Тафаккур гулшани: Ватанимиз ва хорижий муаллифларнинг афоризмлари ва ҳикматли сўзлари / Вл. Воронцов композицияси; Ш. Абдураззокова тарж. –Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981. –Б. 126-128.

“Хаётини ўз эътиқодига бағишлаган одам янги металлни кашф этган ёки янги газни топган тадқиқотчига қараганда ҳам инсониятга кўпроқ хизмат қилган бўлади”. *Ж.Лоуэлл.*

“Эътиқодсиз одам нотавон, ҳар бир аъмоли йўқ одам ғариб кимсадир”.  
*Я.Е.Репин.*

“Менинг эътиқодларим юрагимнинг уришига қараб ўзгараверса, унда ҳолимга вой”. *Ф.Шиллер.*

“Эътиқод Худонинг тортиғидир. Уни ақлнинг тортиғи деб ўйламанг”<sup>37</sup>.  
*Б.Паскаль.*

“Энг аввало, нима деб айтилганини, айнан ёлғиз эътиқодгина, ҳеч қандай ишларсиз, оқлаши, халос этиши ва паноҳ беришини ёдда тутинг”<sup>38</sup>.

*М.Лютер.*

Ушбу таърифлардан маълум бўладики, олимларнинг юқорида келтирилган эътиқод ҳақидаги қарашлари ва уларнинг ўз фикрлари доирасида қилган хулосалари ҳамиша эзгуликка асосланганлигини кўриш мумкин. Фикримизча эътиқод – кишининг ишончини қозонган ва унинг фаолиятида хатти-ҳаракатларини белгилаб берадиган мезондир.

Диний эътиқод эса, инсон иродасига боғлиқ бўлмаган Зотнинг ҳақлигини эътироф этиб, Унинг кўрсатмаларини қабул қилиш тўғрисидаги инсоннинг ички туйғусидир.

Муаллифлар диний эътиқоддан ташқари илмий ҳақиқатларга ишончдан иборат ҳам индивидларда алоҳида руҳий ҳолат бўлиши мумкинлиги ҳақида фикр юритар эканлар, улар “билим ва ғояларга асосланган эътиқод”, “хулқ-атворни тартибга солувчи эътиқод”, “сиёсий эътиқод”, “халқ эътиқоди”, “шахс эътиқоди”, “иймон-эътиқод” каби кўпгина тушунчаларни илгари сурадилар. Биз қуйида келтирмоқчи бўлганимиз Ўрта асрларда яшаб ижод қилган Европа олимларининг эътиқод ва диний эътиқод ҳақидаги теологик ва фалсафий талқинлари хусусида.

<sup>37</sup> *Б.Паскаль.* Мысли. Перевод О.Хомы. –Москва: 1994, стр. 267.

<sup>38</sup> *М.Лютер.* Свобода христианина. Перевод В.Комарова. –В кн.: *М.Лютер.* Избранные произведения. –СПб, 1994. –С. 28.

Милодий тўртинчи асрнинг охирида Рим империяси иккига бўлинди. Бунинг арафасида христианлик етакчи давлат динига айланди. Худди шу вақтда (375–568) рўй берган герман қабилаларининг кўчиши Ғарбий Рим империясининг қулашига олиб келди. Антик давр тугаб, Ўрта асрлар бошланди<sup>39</sup>.

Эллада-Рим давридаги ижтимоий шарт-шароитлар сиёсатдан маълум даражада чекиниш ва назарий фалсафага бўлган қизиқишнинг йўқолишига олиб келган. Бу даврга келиб қизиқишлар доираси асосан марказида индивид турувчи ахлоқий масалалар билан чегаралана бошлади. Аммо тугаб бораётган антик давр мобайнида бу “ҳаёт фалсафаси”га бўлган қизиқиш ҳам сўниб борди. Одамлар ўз ички оламидан ғайриоддий нарсаларни излай бошладилар. Улар ўта оғир ҳаётдаги муаммоларнинг ечимини дин соҳасидан изладилар. Неоплатонизм (ва маълум даражада тугаб бораётган стоицизм) уйғонган бу динга интилишнинг ифодасига айланди ва христианликнинг тарқалишига замин яратди.

Христианлик ҳар бир кишига мурожаат қиларди. У ҳар бир кишига умид берарди. Сиёсий ҳуқуқсизлик, моддий ночорлик ва жисмоний уқубатларга, ёвузлик ва ироданинг заифлашишига қарамай, умид ҳар бир киши учун мавжуддир. Ердаги ҳаёт, деб уқтирарди христианлик, драматик тарихий жараёнларнинг бир қисми бўлиб, унинг охирида ҳар бир кишининг ҳаётдаги ноҳақликлар ва азоб-уқубатлар учун одил мукофот кутади. Булардан юқорида Тангри-Худо, яратувчи, меҳрибон ва одил рух туради.

Ўрта асрларда айнан фалсафа ва теология муҳаққат англашга даъво қилган интеллектуал фаолият турлари ҳисобланган. Шу боис эътиқод ва тафаккурнинг ўзаро муносабати мавзуси бош мавзулардан бирига айланди. Бу икки маънавий ва интеллектуал фаолият тури қайси масалалар фалсафага

<sup>39</sup> “Ўрта асрлар” – *medium aevum* – номи Антик (“қадимги”) давр билан Ренессанс (антик маданиятнинг “тикланиши”) ўртасидаги вақт оралиғини Жаҳолат даври сифатида кўздан кечирганлар томонидан ретроспектив тарзда берилган. // Гуннар Скирбекк. Нилс Гилье. Фалсафа тарихи: Олий ўқув юртлари учун ўқув кўлланма / Тарж. А.Делетроз, З.Турсунова ва В.Кузнецов. –Тошкент:Шарқ, 2002. –Б. 169.

ва қайси масалалар теологияга тааллуқли эканлиги юзасидан келишиб олиши керак эди.

Христианлик фалсафий ва интеллектуал муҳитга қуйидаги уч асосий қарашларни олиб қирганлигини айтиш мумкинки, улар: 1) “инсон барча нарсанинг маркази” эканлиги ғояси; 2) тарихнинг чизиқлилиги ғояси; ва 3) Худонинг Яратувчи ҳамда Шахс сифатида тасаввур қилинишидир.

Грек файласуфлари учун инсон умуман ва буткул космосда бошқа жониворлар билан бирга мавжуд бўлган мавжудод ҳисобланган. Инсон етарли даражада юқори турувчи, аммо, алоҳида, имтиёзли ўринни эгалламаган мавжудод саналган. Тош ва тупроқ, ўсимлик ва ҳайвонлар, одамлар ва худолар битта тугал оламда мавжуд деб тасаввур қилинган. Христианлик таълимотига кўра эса бундай эмас. Худо бу дунёдан юқорида мавжуд Яратувчи ҳисобланади. Бутун ер курраси – тошлари, ўсимликлари, ҳайвонлари ва одамлари билан – Худо томонидан одамларнинг макони сифатида, одамлар паноҳ топиши учун яратилган. Олам одамлар ва Худога нисбатан иккиламчидир. Дунёнинг тузилишидаги барча нарсалар инсоннинг ерда паноҳ топишига олиб борувчи йўл атрофида жамлангандир.

Ўша даврда христианликнинг паноҳ ва гуноҳ ҳақидаги ғоялари грек маънавий тасаввурлари (масалан яхши ҳаёт ва яхши фазилатлар ҳақидаги) ўрнини эгаллади. Ҳар бир инсоннинг паноҳ топиши ҳақида гап бора бошлади. Одамлар бошқа ҳар қандай тирик мавжудодлардан қадрли ва барча одамлар моҳиятан битта олий кадриятга эгадир. Бундай тушуниш табиий ҳуқуқ, умуминсоний бирдамлик ва тенглик ҳақидаги стоицтик ғояларнинг христианлик тушунчалари билан мос келишини англатарди. Барча учун умумий қонун – Худонинг амри мавжуддир. Барча одамлар тенг, зотан уларни Худо ўзига ўхшатиб яратгандир.

Инсон ҳам космологик, ҳам аксиологик жиҳатдан марказий ўринда туради. Бунда табиат эмас, балки тарих муҳимдир. Тарих стоиклар тасаввуридаги каби доира шаклида эмас, балки чизиқ шаклида бўлади. Тарих Қиёмат Кунига томон ҳаракатланиб боради: инсоннинг яратилиши, гуноҳ

килиши, Иисус Христоснинг туғилиши, ҳаёти ва тирилиши, гуноҳ ва паноҳ ўртасидаги кураш.

Христианликнинг юзага келиши билан эпистемология масалаларининг доираси ҳам кенгайди. Биз нималарни билишимиз мумкинлиги ҳақидаги масалаларга қўшимча равишда нималарга диний маънода ишонишимиз мумкинлиги ҳақидаги масалалар, яъни диний эътиқод ва донишмандлик, христианча самимият ва грекча тафаккурнинг ўзаро алоқаси ҳақидаги масалалар пайдо бўлди. Улар христиан теологияси учун таянч нуқтаси бўлиб хизмат қилди<sup>40</sup>.

Христиан теологлари орасида шундайлар ҳам бор эдики, улар христианлик эътиқоди ва грекча тафаккур бир-бирига принципиал мос эмас, христианлик эътиқодини фалсафа ва тафаккур ёрдамида асослаш ёки тушунишга уринишга умуман йўл қўйиб бўлмайди, деб ҳисобларди. Тертуллиан (тахм. 160-222) фалсафага айнан шундай салбий муносабатда бўлди. Тертуллиан учун эътиқод тафаккурдан эркин. Агар тафаккур эътиқоднинг мантиқсизлигини таъкидласа, эътиқод бунга мутлақо эътибор бермайди<sup>41</sup>. Бу нуқтаи назар диний (христианча) эътиқод ва дунёвий донишмандлик муносабатини тушунишдаги кескин нуқтаи назарни ифодалайди.

Нисбатан мўътадил нуқтаи назар эътиқод ва тафаккур учун маълум даражада умумий бўлган соҳани назарда тутди. Айрим дастлабки христиан теологлари шу нуқтаи назарни химоя қилганлар. Уларнинг фикрича, эътиқод эпистемологик маънода устунликка эга бўлади. Агар эътиқод ва тафаккур ўртасида зиддият рўй берса, эътиқод ҳақ бўлиб ҳисобланади. Бу қараш Августиндан тортиб Фома Аквинскийгача бўлган кўпгина христиан теологларига хос бўлган. Аммо унинг доирасида бир қанча ёндашувлар мавжуд эди. Шулардан бирига мувофиқ, эътиқод шу маънода устунликка эгаки, айнан у туфайли тафаккур қилиш мумкин бўлади. Бу самимият ва

<sup>40</sup> Қаранг: Скирбекк Г., Гиле Н. История философии. –Москва: “ГИЦ Владос”, 2000, стр. 171-178.

<sup>41</sup> Қаранг: Тертуллиан. Избранные сочинения. –Москва: 1994; История философии. –Москва: “ГИЦ Владос”, 2000, стр. 178.

этикодсиз одамлар ҳаётнинг энг муҳим жабҳаларига нисбатан кўр бўлиб қолишлари мумкин эканлигини англатади. Августин худди шу қарашни илгари суради.

Муқаддас китобда қайд этилган илоҳий обрўга этикод кўйишни Августин (354-430) инсон билимларининг асоси ва бош манбаси, деб эълон қилди. Одам Ато ва Момо Ҳаво томонидан қилинган гуноҳ бутун инсониятга кўчиб ўтиб, башарият ақлини тузатиб бўлмас даражада бузди ва унинг кучини жиддий заифлаштирди. Шу вақтдан бошлаб инсон ақли зарурий равишда ўзига илоҳий ваҳйдан таянч қидириши лозим. Августиннинг машҳур иборасига кўра (унинг хатларидан бир нечаси эълон қилинган) – “Тушуниш учун, ишон” – диний этикод тушунишдан олдин келиши лозим.

Бошқа бир ёндашув шундан иборатки, этикод фақат христианликнинг асосий ҳақиқатларига нисбатангина устувор туради. Умуман олганда эса этикод ҳам тафаккур ҳам эркин бўлиб, бир хил мақомга эгадир. Қисман улар ўз специфик муаммолари, қисман эса – иккаласи учун умумий саналган муаммолар билан шуғулланади. Улар учун умумий саналган этикод ва тафаккур ўртасидаги соҳада уйғунлик мавжуд бўлади. Масалан, бу соҳага Худонинг мавжудлиги масаласи киради, шу билан бир вақтда, Худонинг моҳияти масаласи самимиятга асосланган этикод соҳасига киради. Этикод ва тафаккурнинг бундай уйғун ҳолатдаги ўзаро боғлиқлиги италян файласуфи Фома Аквинский (1225-1274)нинг теологияси (фалсафаси)да яққол кўзга ташланади.

Диний ақидаларни Фома ақл билан билиб бўладиган(худо мавжуд, худо ягона, инсон руҳи абадий ва шунга ўхшаш) ва ақл билан билиб бўлмайдиганга(дунёни яратилганлиги, худонинг учлиги, биринчи гуноҳ ҳақидаги ақида ва ҳ.к.) бўлади. Фома фикрича, биринчилари илоҳиёт мавзусига ҳам, фалсафа мавзусига ҳам кирадилар, иккинчилари эса ақлдан юқори бўлганликлари туфайли фақат этикод ва илоҳиёт мавзуларидирлар.

Фалсафа ва илоҳиёт – мустақил фандирлар, негаки, илоҳиётнинг асосий қоидалари(диний ақидалар) ва ақлнинг асосий қоидалари(формал

мантиқ қонунлари) бир-бирларига тобе эмаслар. Аммо илоҳиёт фалсафа ва ақлнинг асосий қоидаларидан шунинг учун фойдаланадики, токи ваҳийнинг ҳақиқати инсон ақли тушунишига яқинлашсин ва уларнинг ақлга қарши эмаслигини кўрсатиб берсин. Агар лозим бўлса, уларга қарши қаратилган эътирозларни олдини олсин. Шунинг учун “фалсафа илоҳиётнинг хизматкоридир”<sup>42</sup>.

Шуни айтиш керакки, Фома Аквинский таълимотида эътиқод ва ақл, динийлик ва дунёвийликнинг уйғунлиги сезилсада, Худонинг моҳияти ёки хусусиятларига доир масала қўйилганда, Фома, биз Уни дунёвий ақл эмас, балки ваҳий ва эътиқод ёрдамида ёритишимиз мумкин, деб ҳисоблайди.

Францисканчилар, айниқса доминиканчилар билан доимо рақобатда бўлган англизлар ўз доираларида Фоманинг энг йирик душмани бўлган Дунс Скоттни (1270-1308) майдонга чиқардилар.

Диний ақидаларни Дунс мантиқий жиҳатдан исбот қилиб бўлмайдиган тушунчалар, деб ҳисоблайди. Учликнинг ақидаси, илоҳий тимсол ва руҳнинг ўлмаслиги фақат эътиқодгагина асосланиш мумкин. Ақл уни исбот қилиб бера олмайди. Эътиқод уларда билим билан боғланмаган.

Дунс Фома қарашларини пантеизмда айблайди. Унинг фикрича, худонинг иродаси мақсад билан ифодаланмайди, бар акс, “ирода ақлдан юқори”дир.

Ўрта асрлар “реализми”нинг схоластикаси ўз талқинчиларини Ансельм Кентерберийский (1033-1109) ва унинг шогирдлари сиймосида топди.

Ансельм эътиқодни оқилона фикрлашнинг дастлабки шарти, деб билган. У “ақлли бўлиб сўнгра иймонли бўлишни эмас, балки иймонли бўлиб, сўнгра оқил бўлишни истайман” деган ибораси билан машҳур. Худонинг борлиги шу сўз, тушунчанинг ўзидан келиб чиқади, деб мулоҳаза юритади. Ансельм схоластик фалсафанинг христиан ҳақиқатларини тасдиқлаш (исботлаш) учун оқилоналик усулларидан фойдаланиш зарур,

<sup>42</sup> Қаранг: Фалсафа асослари. Маърузалар матни. –Тошкент:“Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2005. 89-91- бетлар.

деган ғоянинг татбиқ этганлиги учун, уни биринчи схоласт деганлар. У эътиқоддаги ақл ҳақида гапира туриб, ақлнинг аҳамиятини таъкидласа-да, эътиқодни ақлдан юқори қўйган. Эмпирик талқин ва Аристотелчиликнинг биринчи қаторнинг бўлаги бўлмаса, бутун қаторнинг ўзи бўлиши мумкин эмаслиги ҳақидаги фаразларига суянади. Шу мантиқ натижасига кўра, Худо мавжуд бўлибгина қолмай, у мутлақ бахт-саодат, мукамаллик ва борлик билан баробардир.

Ансельмнинг онтологик фаразларига кўра Худо мавжуд, унданда улкан ҳеч нарсани ҳаёлга келтириш мумкин эмас. Худонинг борлигини фикран эътироф этиш, лекин унинг реал мавжудлигини инкор этиш, Худодан юқорироқ бирон нимани мавжудлигини эътироф (лекин бунинг бўлиши мумкин эмас) этиш бўлур эди, деган фикри ётади. Демак, Худо сўзининг мавжудлигининг ўзиёқ, Худо борлигини исботлайди. Худо борлигини схоластик усул билан исботланиши унинг замондошлари ва Ф.Аквинский томонидан рад этилган бўлса-да, Декарт, Лейбниц, Гегель, Бреди каби мутафаккирлар томонидан ривожлантирилган. Ансельм Платон ва Аристотелнинг мантиққа оид фалсафий фикрларини ҳам давом эттирган. Ансельм эътиқод ва ақлнинг мутаносиблигини христиан ҳақиқатларидан олиш мумкинлигига ишора қилади<sup>43</sup>.

Шунинг учун ҳам Ансельм таълимоти черков манфаатларига аввало эътиқоднинг ақлга бўлган муносабати билан жавоб берар эди. Ансельм фикрича, ишониш учун тушунмоқ керак эмас, балки тушуниш учун эътиқод қўймоқ лозим. Католик эътиқоди шак-шубҳасиз бузилмаслиги керак. Билиш диний ақидалар тўғрилигини ошира олмайди, негаки, улар ўз-ўзидан доимий мустаҳкамликка эга. Католик черкови ўз муаллимлари томонидан эълон қилаётган эътиқод тўғрими ёки нотўғрими эканлиги ҳақида ҳеч бир христианда савол пайдо бўлмаслиги лозим. Христиан эътиқодидаги одам шубҳага ўрин қолдирмай динни севиши ва унинг кўрсатмасига мувофиқ яшаб, унинг тўғрилиги асосларини тадқиқ қилиши лозим. Агар у диннинг

<sup>43</sup> Фалсафа қомусий луғати. –Тошкент: “Шарқ”, 2004. –Б. 26.

асосларини ўзи учун аниқлаб ола олса, унда худога шукр қилиши керак; агар бундай қила олмаса, у бошини итоаткорона қуйи эгиб, тоат ибодат қилиши лозим.

Билимни эътиқодга бундай бўйсунити Ансельм ижодида ақлий билимларга юқори баҳо бериш билан уйғунликда олиб борилади. Ансельм ўзини шундай кишилар тоифасидан ҳисоблар эдики, ўз эътиқоди асосларига ақлий жавоб топа олади. Ўзининг илоҳиётдаги рационализмида Ансельм жуда ҳам узоқларга кетиб қолган эди. Унинг талқинича, биргина ақлнинг тушунчаларини ўзидан худонинг борлигининг эмас, балки учлик ва бошқача сиймода намоён бўлишни ҳам идрок этиш мумкин. Ўзининг “Монолог” (Monologium) асарида Ансельм диний китобда учлик ҳақида айтилган гувоҳликларни бир томонда қолдириб, фақат ақлий асосларга таянишга ҳаракат қилган.

“Пролог” асарида Ансельм кейинчалик машҳур бўлиб кетган, худо мавжудлигининг борлиқ далилини ривожлантирди. Бу далил шундан иборатки, худонинг мавжудлиги дедукция воситасида фақат худо ҳақидаги биргина тушунчадан келтириб чиқарилади, ёки бу тушунчада мавжуд бўлган мазмунни очиш орқали юз беради<sup>44</sup>.

Ансельмнинг мўътадил таълимоти ақлий мушоҳадани черковнинг амалий мафкуравий муаммолари билан боғланганлиги учун осонликча тан олинди ва олий черков ҳокимияти томонидан қўллаб қувватланди.

XI асрда қулоч ёйган реализм билан номинализм ўртасидаги кураш бу икки оқимнинг нафақат ўта бир-бирига қарши намоёндаларини, балки шундай мутафаккирларни ҳам етказиб бердики, улар бу икки оқимни яраштиришга ҳаракат қилдилар. Буларнинг энг йирик вакили машҳур француз файласуфи ва теологи Пьер Абеляр (1079-1142) эди.

Ансельмга қарши ўлароқ Абеляр эътиқод ва ақл муносабатини таҳлил қилиб, шундай таълим бердики, эътиқод ақлий тушунчага асосланиши лозим ҳамда муқаддас китоблардаги матнларга тушуниш орқали муносабатда

<sup>44</sup> Қаранг: История философии. –Москва: 1941. Том-1, стр 427-429.

бўлиш зарур, деб ҳисоблайди. “Икки ҳақиқат” таълимотига кўра, биз хис этмаган ва бизга реал оламдан ташқарида бўлган нарсалар ҳақидаги мулоҳазалар эътиқод ихтиёрида. Абеляр фикрига кўра, диалектика ёки нутк (сўзлашув) ҳақидаги фан мантиқдир. Универсал тушунчалар Абеляр фикрига кўра, реал воқеликда алоҳида буюмлар каби мавжуд бўлмайди. Аммо улар интеллектуал (ақлий) билиш соҳасида “борлиқ” мақомига эга ва ўзига хос учинчи – концептуал оламни ташкил қилади. Абеляр христианлик ақидаларидаги зиддиятларни кўрсатиб, ўз талқинларини баён қилган. Бу талқинлар расмий тан олинган талқинлардан фарқли бўлгани сабабли Абеляр черков томонидан икки марта қораланган<sup>45</sup>. “Ҳа ва Йўқ” асарида инсоннинг ўз ақл-идроки билан яшашга ҳақли эканини ҳимоя қилади.

Ўрта аср инглиз файласуфи ва табиатшуноси Роджер Бекон (тахм. 1214-1294) фалсафий қарашларига унинг табиий-илмий изланишлари катта таъсир қилган. Роджер Бекон таълимотича фалсафанинг қисмлари: математика, физика ва ахлоқдир. Физика оптика, астрономия, алхимия, медицина, техника билимларини ўз ичига олади. Ўрта аср фалсафасининг муҳим масаласи – универсалийлар моҳияти масаласида мўътадил реализм позициясида турди. Унингча, фақат якка нарсалар мавжуд. Лекин универсалийларнинг нарсалардан олдин мавжудлигини инкор қилди.

Роджер Бекон фикрича, билимнинг уч тури мавжуд: авторитет (яъни, обрўли одам фикри)га ишониш, фикрлаш ва тажриба. Авторитет тафаккурга таянмаса, билим учун етарли эмас.

Тафаккур ҳам фақат тажрибага суянса, ишончли бўлади. Бу математикага ҳам тааллуқлидир. “Ҳукм юритиш масаласига келсак, аҳвол шундайки тажриба тадбиқ йўли билан хулосани текширмай туриб, сафсатани далиллардан фарқ қилишнинг имкони йўқ... Гарчи Арасту қиёсни билим манбаи эканлигини тан олган бўлса ҳам, аммо шундай ҳоллар бўлганки, оддий тажриба ҳар қандай қиёсдан кўра яхшироқ таълим берган”. “Ўзининг тадбирларида ўзига ҳисоб бермайдиган табиий ва мукаммал бўлмаган

<sup>45</sup> Қаранг: *Абеляр П.* История моих бедствий. –Москва: 1959. –С. 96-103.

тажрибалар мавжуд”. “Барча ақлий билимлар ва санъатлардан юқори турувчи, – деб ёзган эди Бекон ўзининг “Opus tertium” асарида, – тажрибалар ўтказиш кўникмаси бор бўлиб, бу илм барча фанларнинг маликасидир”<sup>46</sup>.

Роджер Бекон билиш аввало ташқи сезгилар воситасида амалга ошади, деб ҳисоблади. Роджер Бекон илоҳиётни ислоҳ қилишга интилиб, унинг фалсафага, илмий билимга қарам эканлигини таъкидлайди. Роджер Бекон илоҳиёт ва фалсафа, эътиқод ва билим муносабатлари масаласида, улар ўртасидаги қарама-қаршиликларни бартараф этишга интилди. Унинг фикрича, билим ва эътиқод дастлабки илоҳий кароматнинг маҳсулидир, шунинг учун улар бир-бирига қарама-қарши эмас. Билим эътиқодни мустаҳкамлайди, натижада фалсафа “христиан билимдонлиги”га айланади. Худо томонидан берилган шубҳасиз ҳақиқатларга асосланиб, фалсафа барча фанларнинг раҳнамосига айланади. Роджер Беконнинг бу таълимоти унинг сиёсий қарашларига ҳам мос эди. Унингча, келажакда ягона ҳақиқий дин бўлган христианликни қабул қилган ҳамма халқлар бир давлатга бирлашадилар. Бу давлатда диний низолар ва қирғинликлар барҳам топади. Тинчлик ва тартиб ўрнатилади. Бу давлатнинг энг олий табақаси – жамиятнинг маънавий раҳбарлари бўлмиш руҳонийлар табақасидир. Иккинчиси – давлатнинг ҳарбий ҳимоячилари, учинчиси – деҳқонлар ва хунармандлардир. Руҳонийлар фан асосларини пухта биладиган олимлар вазифасини бажаришлари керак.

Умумий маънода айтганда, Бекон динга қарши чиқмайди. У эътиқод масалаларида фалсафанинг тобеълигини эълон қилади. Ҳозирги пайтда мўъжиза юз бермайдиган бўлганлигидан, дейди у, динга ишонмайдиганларни унга тортиш ва душманларни рад этиш учун бирдан-бир йўл қолади – фалсафанинг қудрати. Аммо объектив равишда Беконнинг бутун фаолияти диний эътиқодга путур етказишга ва илмий билимларни юқори кўтаришга ўз ҳиссасини қўшди.

<sup>46</sup> История философии. –Москва: 1941. Том–1, стр-472.

Инглиз файласуфи, номинализм оқимининг йирик вакилларида бири Уильям Оккам (тахм. 1300-1349) фалсафа ва илоҳиёт ўртасидаги боғлиқликни бутунлай инкор этади. Фалсафа диний эътиқод ақидаларини исбот қилишга қодир эмас. Чунки фалсафа эътиқоднинг асоси бўлмайди. Масалан, фалсафа Худонинг мавжудлиги ҳақидаги ақидани исбот эта олмайди, дейди. Оккамнинг фикрича, Худонинг мавжудлигини ақлий далиллар билан исботлаб бўлмайди. Илоҳиётнинг муқаддас китоб ҳақиқатидан келиб чиқади. Шу туфайли илоҳиёт ақлнинг ҳақиқатидан келиб чиқувчи фалсафага қарама-қаршидир<sup>47</sup>.

Оккамнинг фалсафий асарлари унинг сиёсий фаолияти билан ажралмас равишда боғлиқ эди. Улар ортодоксал мафкурага кескин муҳолифатда эди. Ўрта асрлар фалсафасининг марказий муаммоси бўлган – дин ва ақлнинг муносабати, ваҳий ва билимлар ҳақидаги масалаларда Оккам Дунс Скотт карашларини чуқурлаштирди. Черков ҳокимияти диний ишлар билан чегараланганидек, илоҳиёт ҳам фақат тўлалигича ваҳийга асосланган эътиқод масалаларида ҳукмронлик қилиши керак. Эътиқоднинг ақлий исботининг имкони йўқ ва мақсадсиздир. Худонинг борлигини ҳам, унинг ундай ёки бундай сифатларини ҳам исбот қилиб бўлмайди. Диннинг ақидаларига фақат ишониб мумкин. Бу билан илоҳиёт “фан” сифатида амалан улоқтириб ташланар ва шу билан биргаликда фалсафа унинг васийлигидан озод бўлар эди. Теология ва инсоннинг Худога муносабати, биринчи навбатда Библияни ўрганиш ва Муқаддас китобга эътиқодга асосланади. Хуллас, номинализм, ақл ва эътиқоднинг маълум даражада фарқланишига ҳамда метафизика ва спекулятив теологиядан маълум даражада воз кечилишига олиб боради. Бинобарин, айрим маънода интеллектуал уринишларнинг маркази фалсафадан тажриба фанларига кўчиб ўтади.

Таниқли рус файласуфи, шоир, публицист ва танқидчи Владимир Сергеевич Соловьев (1853-1900)нинг дунёқарашида Шеллинг, Гегель, Шопенгауэрларнинг таъсири кучли бўлган. Фалсафанинг вазифаси

<sup>47</sup> Фалсафа қомусий луғати. –Тошкент: “Шарқ”, 2004. –Б. 309.

ижтимоий-диний идеални ёқлашдан, инсоният ақлий тараққиётининг мақсади эса фан, фалсафа ва динни бирга қўшишдан иборат бўлиши керак; эътиқод билишнинг асосий босқичи, ахлоқнинг асоси эса ор-номус, меҳр-шафқат, худога эътиқод қилишдир<sup>48</sup>, деб ҳисоблаган.

Швейцариялик протестант теологи (илоҳиётчиси), диалектик теология асосчиларидан бири Карл Барт (1886-1968) ўзининг илк реформаторлик теологиясини кальвинизм руҳида (яъни Худо баъзи кишиларнинг тақдирига “ҳалос бўлишни” ва баъзи кишиларнинг тақдирига “қарғишга йўлиқишни” олдиндан ёзиб қўйилганлиги ҳақидаги таълимотига асосланган ҳолда) янгилашни ёқлайди. Барт диалектик теологиянинг асосчиларидан бири сифатида католик фалсафаси томонидан Худонинг борлигини фалсафий исботлашга, диний эътиқодни “тақводор руҳнинг натижалари”дан келтириб чиқаришга, диний эътиқодни ҳар қандай рационал асослашга қарши чиқди. Унга кўра эътиқод “ҳа” ва “йўқ” ўртасида иккиланувчи интилиш, номаълумликка жасорат билан кириб боришдир. Инсон билимлари ва борликнинг моҳияти бир-биридан фарқ қилади. Барт черковдан ижтимоий масъулликни талаб қилиб, уни “ҳақиқий” ва “сохта” черков деб фарқлади.

Неотомизм оқимиغا мансуб француз диний фалсафаси вакили Жак Маритен (1889-1973) Янги давр фалсафасини фалсафий тафаккур инқиροзи ва тубанлашуви, деб баҳоланган эди. Лютер, Декарт ва Руссо, унинг фикрича, эътиқод тафаккур ва ҳиссиёт соҳаси, субъективизм тантанасининг сабабчилари бўлиб, улардан кейин ахлоқий ва ижтимоий бошбошдоқлик ҳукмрон бўлади. Бу ҳолни бартараф этишнинг ягона йўли эса, унингча ўрта асрлардаги “тафаккур тиниқлиги” ва объективликка қайтишда эди. Интуитивизмни танқид қилар экан, Маритен католик динининг вакили сифатида “эътиқод ва ақлни, теология ва фалсафани яраштиришга” уринади.

Француз диний файласуфи, неотомизм оқимининг етакчи намояндаси Этьен Анри Жильсон (1884-1978) ақл билан эътиқоднинг уйғунлашувига,

<sup>48</sup> Философия: Учебник для вузов / Под ред. проф. В.Н.Лавриненко, проф. В.П.Ратникова. –Москва: ЮНИТИ, 2000, стр. 286.

фалсафа билан диннинг узвий боғланишига эришиш зарурлиги ҳақидаги Фома Аквинский таълимотини қайта тиклашни ўз тадқиқотининг асосий вазифаси деб билган. У Маритен сингари илоҳий борлиқни экзистенциал изоҳлашни тавсия этган. Бундай изоҳланишда илоҳий борлиқ табиат ва жамият дунёсидаги барча хилма-хил нарсалар пайдо бўлишига олиб келадиган соф мавжудлик акти сифатида намоён бўлади.

Жильсоннинг фикрига кўра, турли даврда файласуфлар борлиқни ўзига хос талқин этадилар. Шу маънода, тарихчи ўзининг борлиқ сари йўлида ҳеч қачон тўхтатмайдиган абадий фалсафа билан иш олиб боради. Шу нуқтаи назардан фалсафий адашувлар дунё ва инсон ҳақидаги нисбий, нотўлиқ тасаввурларни мутлақлаштирилиш натижаси сифатида намоён бўлади. Жильсоннинг қарашларига кўра, антик фалсафадаёқ Платон, Арасту ва неоплатончилар борлиқни билиш соҳасида жуда кўп ишларни амалга оширганлар. Бу билимни патристика намояндалари ва ўрта асрлар мутафаккирлари томонидан христианлик билан бирлаштирилишини Жильсон фалсафа билан илоҳиётчиликнинг бирлиги стратегиясини белгилаб берган самарали қадам деб баҳолади.

Жильсон ўрта асрлар тафаккурининг чўққисини Фома Аквинский таълимотида кўради. Уйғониш ва Янги давр фалсафасининг кейинги ҳолатини у салбий оқибатларга ҳамда фалсафий-теологик донишмандлик билан фан орасидаги муросанинг бузилишига олиб келган жараён деб қараган. Унинг фикрига кўра, Декарт ва Кант асарларида юзага чиққан фанга сциентистик топиниш (сажда қилиш) позитивизм аъъанасида ривожлантирилди ҳамда бу ҳолнинг қарама-қарши қутби бўлган антисциентизм ҳам вужудга келди. Булар орасидаги кураш, Жильсоннинг уқтиришича, XX аср Ғарб фалсафасининг умумий манзарасидаги энг муҳим хусусият бўлиб, у фақат томизм таъсирининг қайта тикланиши туфайли барҳам топиши мумкин. Жильсон ҳозирги давр маданиятининг келажagini

диний-ахлоқий қадриятлар таъсирининг қайта тикланиши билан боғлиқ, деб билган<sup>49</sup>.

Юқорида келтирилган талқинлардан хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, фалсафий жиҳатдан диний эътиқод – диний онгнинг асосий элементи сифатида кимга-нимага ёки кимгадир-нимагадир эътиқод қилиш индивид, гуруҳ, омма руҳиятининг (эътиқод қилувчи субъектларнинг) қатъий ишониш, шаксиз ишонч ва умид орқали ифодаланувчи алоҳида ҳолатидир. Теологик нуқтаи назардан эса, диний эътиқод – оламни ва инсонни яратган, Ўзи ҳақидаги билимларни очиш қобилиятини одамларга берган энг мукамал ва қудратли мўъжизавий куч сифатида қабул қилинадиган Худога мутлақ ишонишдан иборатдир. Бундан ташқари фалсафий-теологик ёндашув ҳам мавжуд бўлиб, унга мувофиқ эътиқод таркибидаги билим, энг аввало, Худонинг мавжудлигига бўлган ишонч шу билимнинг ўзаги сифатида рационал далиллар билан асослашга муҳтож эмас.

---

<sup>49</sup> Фалсафа қомусий луғати. –Тошкент:“Шарқ”, 2004. –Б. 124.

## 1.2. Диний эътиқоднинг кишилар маънавий ҳаётидаги ўрни

Дунёдаги ҳар бир дин ўзининг эътиқодчиларига эга бўлиб, у инсонлар ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб қолган. Чунки дунё яралган илк даврларда содда кўринишда бўлган диний эътиқодлар аста-секин тараққий этиб, ривожланган. Шунинг учун ҳам дин инсон ва жамият ҳаётида муҳим функцияларни бажаради ва одамларни фақат яхшиликка, эзгуликларга чорлайди. Инсонлар ҳар доим диний эътиқодга эҳтиёж сезганлар ва унга бўлган ишончни ҳамма нарсадан юқори қўйиб, муайян дин атрофида бирлашиб, бир жамоа бўлиб яшаганлар. Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек: “Дин азалдан инсон маънавиятининг таркибий қисми сифатида одамзотнинг юксак идеаллари, ҳақ ва ҳақиқат, инсоф ва адолат тўғрисидаги орзу-армонларини ўзида мужассам этган, уларни барқарор қоидалар шаклида мустаҳкамлаб келаётган ғоя ва қарашларнинг яхлит бир тизимидир”<sup>50</sup>.

Диний эътиқоднинг кишилар маънавий ҳаётидаги ўрни ҳақида гап кетганда, аввало, эътиқоднинг ўзи маънавият таркибидаги муҳим ҳодисалардан бири эканлигини тушуниб олиш зарур. Эътиқод алоҳида бир фикр ёки хулосага нисбатан эмас, балки одатда, фикрлар ва хулосалар тизими негизида пайдо бўлган ғоя ёки таълимотга нисбатан шаклланади. Сиёсий, диний, ахлоқий эътиқодлар худди шу йўсинда майдонга келади. Эътиқод маънавиятнинг устунларидан биридир. Эътиқодсиз маънавият юксакликка кўтарила олмайди. Уни юксакликка қатъий ишонч, мустаҳкам эътиқодгина элтиши мумкин.

Эътиқод муайян ғоя ва мафкурага оддий, жўн ишониш эмас, балки у қатъий, кучли ишонч натижасида шаклланади. Кучли ишонч эса, қусли ҳис-туйғулар таъсирида вояга етади. Инсондаги энг кучли ва энг юксак туйғулардан бири эса муҳаббатдир. Элга, диёрга, халққа бўлган муҳаббат шунинг учун ҳам эътиқод таркибидаги энг муҳим қисмлардан ҳисобланади.

<sup>50</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Тошкент:Маънавият, 2010. –Б. 36.

Билим ва ғоялар эътиқоднинг муҳим элементи хисобланади. Эътиқодга айланган билим ва ғояларнинг фалсафий таҳлил этганда, улар ижтимоий амалиётнинг натижаси, инсонни билиш борасидаги фаолиятининг ҳосиласидир. Эътиқод инсон дунёқарашининг асосий компоненти эканлигини унутмаслик даркор. Эътиқод билиш, баҳолаш, бошқариш каби функцияларни бажаради. Объектив воқеликдаги турли ҳодисалар, жараёнлар ҳақидаги билимлар эътиқоднинг билиш функциясининг билдирса, олинган билимларга таяниб содир булаётган ўзгаришлар, ҳодисалар моҳиятини тушуниб олиш баҳолаш функциясини ташкил этади. Унинг бошқариш функцияси эса, инсонни ўз шахсий ва ижтимоий фаолиятида хулқ-атвори, хатти-ҳаракатига кўрсатадиган таъсири, муайян мақсад томон йўналтириш қобилиятидан иборат.

Эътиқод муайян ғояга, таълимотга бўлган қатъий ишончни англатади. Демак, эътиқод бўлиши учун аввало, ўша ғоя, таълимотнинг ўзи бўлиши лозим. Ғоя ва таълимотларда одамларнинг, ижтимоий гуруҳларнинг манфаатлари акс этади. Лекин ғоя ва таълимотларнинг вужудга келиши учун манфаатларнинг мавжудлиги кифоя эмас. Чунки, миллий ёки ижтимоий ғоя вужудга келиши учун одамлар ўша мавжуд манфаатларни англашлари ҳам керак. Манфаатларини англаш даражаси ҳам турлича бўлиши мумкин. Одамлар ва ижтимоий гуруҳлар ўз манфаатларини англаб етгач, бу манфаатларни рўёбга чиқариш йўллари тўғрисида ҳам пухта тасаввур ҳосил қилганларидан кейингина, миллий ёки ижтимоий ғояни яратиш имкони туғилади. Ижтимоий гуруҳлар мавжуд манфаатларни тўла англамаган ва уларни рўёбга чиқариш йўллари тўғрисида етарли билимга эга бўлмаган шароитда ижтимоий ғоя яратилса, у кўпчиликнинг онгига чуқур кириб бормайди. Манфаатларни англаш, уларни рўёбга чиқариш йўллари ва усуллари ҳақида етарли билимлар асосида вужудга келган ижтимоий ғоя шу ижтимоий гуруҳнинг ҳар бир аъзоси онгига қанчалик чуқур сингиб борса, шунчалик мустаҳкам эътиқод пайдо бўлади. Эътиқодга таянмаган ва эътиқодга айланмаган ғоя қуруқ сафсата бўлиб қолади.

Ҳар қандай мафкуравий тарбиянинг мақсади – жамиятнинг ҳар бир аъзоси ва улар тимсолида ҳар бир ижтимоий қатлам, гуруҳнинг тарбиявий даражасини таъминлашдир. Бу пировард натижада ўша жамият ривожига тўртки берувчи илғор ғояларнинг ҳар бир фуқаро томонидан онгли равишда ўзлаштирилишини, унинг тафаккур ва фикрлаш тарзига айлантирилишини таъминлайди. Шу маънода миллий истиқлол мафкураси Ўзбекистонда яшаб, ижод қилаётган ҳар бир фуқаро онги ва шуурида асрий миллий қадриятларимиз, халқимизнинг бугунги ва келгусидаги манфаатларини ифодаловчи энг соғлом ғоялар ва фикрлар тарзида – халқ тафаккури тарзида ўз ифодасини топиши лозим. Бу жиҳат мафкуравий тарбиянинг бош хусусиятларидан биридир.

Мафкуравий тарбиявийлик энг аввало юксак эътиқод, иймон, Ватан ва халқ олдидаги масъулият, ватанпарварлик, фидойлик каби фазилатларда намоён бўлади.

Соғлом ғоялар тарбияси юксак дунёқараш ва эътиқод тарбиясини англатади. Дунёқараш – тартибга солинган, яхлит онгли тизимга айлантирилган билим, тасаввур ва ғоялар мажмуи бўлиб, у шахсни жамиятда ўзлигини сақлаган ҳолда муносиб ўрин эгаллашга чорлайди.

Мустақиллик йилларидан буён шаклланиб келаётган янгича дунёқараш ёшларда Ватанга садоқатни, миллий қадрият ва анъаналарга муҳаббатни, ўз яқинларига меҳрибонликни, танлаган йўли – касби, маслағи ва эътиқодига содиқликни назарда тутди. Янгича фикрлаш ва янгича тафаккур айнан мустақиллик мафкураси руҳида тарбия топиб, сайқал топган миллий онг, дунёқараш ва эътиқод маҳсулидир.

Ёшлик, ўспиринлик даври дунёқарашнинг шаклланиши, эътиқоднинг мустаҳкамланиши учун ўта муҳим босқич ҳисобланади. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, бу давр нафақат шаклланиш учун, балки, агар маълум бир қарашлар тизими мавжуд бўлса, уларни ўзгартириш учун ҳам қулайдир. Шу боис мафкуравий таъсирлар бевосита ёшлар аудиториясига, уларнинг қалби ва онгига қаратилган бўлади.

Миллий истиқлол ғоясининг шаклланишини таҳлил қилиш жамиятда бирон бир ғоянинг тўғри, илмий ва ҳаётийлигига ишонч ҳосил қилиш ўз-ўзидан рўй бермаслигини кўрсатади. Мафкурага ишонч уйғотиш, унда акс этган ғоялар таъсирида одамларни сафарбар этиш функцияси муайян шахсларнинг фаолияти орқали рўёбга чиқади. Чунки, ишонтирмоқ – кишиларнинг руҳи, кайфияти, ҳиссий кечинмалари, қалб ва шуурига таъсир қилмоқдир. Бу вазифани амалга оширувчи кишилардан юксак инсоний фазилатлар, шу ғоя йўлида фидойлик, билим, малака, нутқ маҳорати ва бошқалар талаб этилади.

Кенг халқ оммасини бирон бир ғоянинг илғор ва инсонпарвар эканлигига ишонтирмоқ учун, аввало, мазкур ғоя халқ ҳаётига яқин, бевосита дахлдор бўлиши, иккинчидан, уни одамлар онгига етказишнинг энг қулай восита усуллари аниқлаб олиш керак бўлади.

Мафкуравий тарғибот ишларининг муваффақиятини белгилайдиган шундай ҳаётий қонуният бор: бошқаларни бир ғояга ишонтирмоқ учун, аввало, унга ўзинг юракдан ишонишинг, бошқаларни ёндирмоқ учун ўзинг ёнишинг, бошқаларни ғафлат уйқусидан уйғотиши шарт! Миллий ғоянинг халқпарвар, тараққийпарвар эканлигига бўлган ишонч кундалик ҳаёт синовларидан ўтсагина, сўз ва иш бирлигига эришилсагина, бу ғоя мустаҳкам эътиқодга айланади.

Эътиқод устувор ерда чинакам инсоний ҳаёт бўлади; эътиқод учун, илғор ғоя тантанаси учун кураш жараёнида инсон шахси шаклланади; у бунёдкор кучга айланади. Демак, миллий ғояни халқнинг ишонч ва эътиқодига айлантириш асосларини, объектив ва субъектив шарт-шароитлар ташкил этади.

Объектив шарт-шароитлар сифатида: ижтимоий-иқтисодий ҳаёт негизлари; маданий ҳаётни ривожлантириш манбалари; инсон салоҳияти; миллатнинг тарихий мероси; халқ яшаётган худуднинг табиий-жўғрофий-жойлашиш ва табиий ресурслари; миллатнинг тарихий шаклланган

менталитетига хос хусусиятлар; жамиятнинг демографик ҳолати; этник тузилиши ва бошқалар.

Субъектив омиллар жумласига эса, миллий ғояни халқ ишонч ва этиқодига айлантиришга йўналтирилган инсонлар, турли ижтимоий гуруҳлар, оила, маҳалла, миллий маданий марказлар, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари, халқнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга йўналтирилган таълим-тарбия тизимининг қонуний ҳуқуқий асослари ва дастурлари; оммавий ахборот воситалари ва бошқалар. Бу омилларнинг ҳар бири миллий ғояни кенг жамоатчилик онгига сингдиришда муҳим ўрин тутди.

Шу билан бирга миллий ғоянинг халқ ишончи ва этиқодига айлантиришнинг ўзига хос мезонлари мавжуд.

Яъни:

- миллатнинг ўзлигини, жаҳоннинг умумий тарихий тарққиётига мансублигини англаш;
- миллатнинг ижтимоий-сиёсий, ғоявий мафкуравий мустақиллиги ва уни мустаҳкамлаш имкониятларининг яратилиши, Ватанга садоқати;
- жаҳон ҳамжамиятидаги мавқеини мустаҳкамланиши;
- миллий тараққиётнинг истиқболларини белгилайдиган фаолият стратегиясининг ишлаб чиқилиши.

Миллатнинг ижтимоий-маънавий эҳтиёжидан келиб чиққан ва манфаатларини ифодалайдиган ғояларга садоқат – ишонч этиқод мезони ҳисобланади.

Миллатнинг умумий манфаатлар асосида жипслаштирувчи ғояларни халқ ишончи ва этиқодига айлантиришда, амалга оширишда халқаро ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маънавий муносабатларда эришилаётган ютуқлар алоҳида аҳамиятга эга. Буни фан, техника, технологиялар, маданият соҳасида эришилаётган ютуқларда кўриш мумкин. Уларни ҳаётда қўллаш муҳим.

Маънавиятнинг яна бир муҳим хусусияти одамнинг ички дунёси ва иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қилишида ёрқин намоён бўлади.

Узоққа бормасдан, халқимиз ўз бошидан кечирган мустамлака даврини бир кўз олдимизга келтирайлик. Қарийб 150 йил давом этган, тарихимизнинг том маънодаги қора кунлари бўлмиш ўша замонда бир пайтлар ўзининг қудратли давлатчилиги, буюк фарзандлари, юксак илму маданияти, обод шаҳар ва қишлоқлари билан дунёни ҳайратда қолдирган эл-юртимиз қандай оғир машаққатларга дучор бўлганини яхши биламиз.

Лекин ана шундай даҳшатли даврда ҳам ҳар қандай зулм ва истибдодга қарамасдан, халқимиз ўзини, ўзлигини йўқотмади. Тилини ва динини, иймон-эътиқодини сақлаб қолди. Ноҳақлик ва зўравонлик ҳукмрон бўлган шундай замонларда ҳам юртимиздан миллат ва халқ қайғуси билан яшаган ҳақиқий ватанпарвар инсонлар етишиб чиқди. Халқимизнинг асрлар синовида янада кучайиб, тобланиб борган мустаҳкам иродаси, иймон-эътиқоди нафақат қадимий маънавиятимиз, балки миллий ўзлигимизни сақлаб қолишга асос бўлди.

Мана шундай ватанпарвар инсонлардан бири Имом Мотуридий бобомизнинг ўрта асрлардаги ғоят хатарли ва тахликали бир вазиятда ўз ҳаётини хавф остига қўйиб, авлодларга ибрат бўладиган маънавий жасорат намунасини кўрсатиб, ислом оламида “Мусулмонларнинг эътиқодини тузатувчи” деган юксак шарафга сазовор бўлгани бу нодир шахснинг улкан ақл-заковати ва матонатидан далолат беради.

Ул зот асос солган мотуридия мактаби Шарқ мамлакатларида бундай катта шуҳрат топишининг сабаби шундаки, унда илгари сурилган ғоялар ислом динимизнинг асосини тўғрилиқ, эзгулик ва инсонийликдан иборат деб билладиган жамики мўмин-мусулмонларнинг қараш ва интилишлари билан ҳамоҳанг эди.

Миллий тарихимизнинг яна бир ёрқин юлдузи Абу Райҳон Беруний фаолиятига ҳаққоний баҳо берар экан, америкалик фан тарихчиси Сартон ХІ

асрни “Беруний асри” деб таърифлайди. Бундай юксак ва ҳақли баҳо аввало комусий тафаккур соҳиби бўлмиш буюк ватандошимизнинг илм-фан тараққиётига қўшган беқиёс ҳиссаси билан изоҳланади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Беруний илмий масалаларда ҳам, тарихий воқеа-ҳодисаларга, ўз замондошларига баҳо беришда ҳам ўта холислик ва ҳаққонийлик билан фикр юритган. Шу боис ҳам у ҳаётда кўп азиятлар чеккан, ҳатто умрининг охирида турмуш қийинчиликларига дучор бўлган, аммо ҳар қандай оғир шароитга қарамасдан, эътиқодидан қайтмаганининг ўз маънавий идеалларига нақадар содиқ бўлганидан далолат беради.

Улкан маънавий жасорат соҳиблари бўлган бундай аллома зотлар дунёнинг қаерида яшамасин, эзгулик ва маърифат йўлида доимо одамларга ибрат бўлиб келган. Чунончи, ўрта асрларда астрономия соҳасидаги илмий кашфиётлари учун тазйиқ ва таъқибларга учраган Николай Коперник ҳамда кейинчалик унинг изидан бориб, жоҳил ва ақидапараст руҳонийлар томонидан ўтга ташланган Жордано Бруно, қанчадан-қанча таъна ва маломатларга гирифтор этилган Галилео Галилей каби алломаларнинг жасоратида ҳам ҳақиқатга садоқат, эътиқод учун курашнинг ёрқин намунаси яққол намоён бўлганини кўрамиз<sup>51</sup>.

Маълумки, ғоя агарда умумхалқ жамияти томонидан эътироф этилиб, бевосита улар иштирокида амалда намоён бўлганда, у – миллий ғояга айланади. Биз эътироф этаётган миллий истиқлол ғояси халқимизнинг юксак маънавияти, анъана ва удумларига таянади, адолат, эркинлик, мустақиллик билан боғлиқ туйғуларни акс эттиради. Юртбошимиз И.А.Каримовнинг таърифига кўра, у “халқнинг мақсад-муддаоларини ифодалайди, тарих синовларидан ўтишда унинг руҳини кўтариб, суянч ва таянч бўлади, шу миллат, шу жамият дуч келадиган кўплаб ҳаётий ва маънавий муаммоларга жавоб излайди. У инсонга фақат моддий бойликлар ва неъматлар учун эмас, аввало, Аллоҳ таоло ато этган ақл-заковат, иймон-эътиқод туфайли юксак маънавиятга эришиш учун интилиб яшаш лозимлигини англатадиган, бу

<sup>51</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Тошкент:“Маънавият”, 2010. –Б. 42-162.

мураккаб ва таҳликали дунёда унинг тараққиёт йўлини ёритадиган маёқдир»<sup>52</sup>.

Демак, инсон қаттиқ ишонган тушунчалар, билим, ғоялар ва идеаллар тарихий тараққиёт заруриятига қанчалик мос келса, унинг маънавий олами шунчалик юксалиб боради. Инсон маънавий оламининг юксалиши билан боғлиқ турли ҳолатлар ҳақида кўп гапириш мумкин. Лекин, мухтасар қилиб айтганда, Аллоҳнинг ўзи бизга буюрган комил инсон бўлиш, ҳалоллик ва адолат билан ҳаёт кечириш каби олижаноб фазилатларнинг маъно-мазмунини нафақат чуқур англаш, балки ана шундай хусусиятларга эга бўлиш, уларга амал қилиб яшаш – одамзотнинг маънавий бойлигини белгилаб берадиган асосий мезон, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди. Шунинг учун ҳам диний эътиқоднинг кишилар маънавий ҳаётидаги ўрни бекиёсдир.

---

<sup>52</sup> Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. –Тошкент:Ўзбекистон, 2000. 6-бет.

## II. БОБ. ДИНИЙ ЭЪТИҚОДНИНГ МУҲИМ ФУНКЦИЯЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ ҲАЁТДАГИ АҲАМИЯТИ

### 2.1. Миллий – маданий ва маънавий – маърифий қадриятларнинг сақланишида диний эътиқоднинг роли

Ҳозирги вақтда дунё ҳамжамияти олдида нақадар муҳим аҳамият касб этиб, тобора мураккаблашиб бораётган глобал муаммолар билан бир қаторда инсоният маънавияти софлигини сақлаб, уни маънавий таназзулдан асраш ҳам умумбашарий муаммога айланиб бормоқда. Гап шундаки, глобаллашув жараёнлари кечаётган ҳозирги даврда давлат чегаралари “ювилиб” кетмоқда, ахлоқий қадриятлар эса, аксарият ҳолларда ғайримаданий унсурлар билан алмаштирилмоқда. Бундай шароитда, объектив характерга эга бўлган глобаллашув жараёнларидан ортда қолмаслик баробарида миллий менталитет ва суверенитетни, ноёб маданиятимиз, ҳақимизнинг кўп асрлик ижодий тажрибасини ўзида акс эттирган буюк қадриятларимизни сақлай билиш ва ривожлантиришдек долзарб муаммо юзага келади. Бу жараёнлар ўта мураккаб ва оғриқли кечиши табиийдир.

Мазкур муаммо Япония ҳаётида намунали ҳал этилган, дейиш мумкин. Зеро, кунчиқар юрт тажрибасида ўтмиш анъаналари ҳамда маданий мерос билан бир қаторда технологик ва ахборотлашган жамият талаб ва эҳтиёжларининг уйғунлашганини кўриш мумкин. Бироқ бундай шароитда ҳозир биз киммиз ва келажакда ким бўлишимизни англаб олиш зарурдир. Бунда бизнинг бой маданий меросимиз катта роль ўйнайди. Мустақил тараққиёт даври тажрибаси шундан далолат бериб турибдики, маънавий маданиятсиз, ёшларни юксак ҳаётий қадриятлар руҳида тизимли тарбиялашни йўлга қўймасдан туриб, моддий фаровонлик йўлида муваффақиятга эришиш мушкулдир<sup>53</sup>.

<sup>53</sup> Бағрикенглик – барқарорлик ва тараққиёт омили. –Тошкент:“Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2007. –Б. 71.

Жамиятда мавжуд кадриятлар, у миллий бўладими, умуминсоний бўладими, уларни асраб-авайлаб, ҳурмат кўрсатиб, келажак авлодга етказишда, аввало, шу авлоднинг ўзида бу ўша кадриятларга нисбатан соғлом эътиқод ва юксак дунёқараш шаклланган бўлиши лозим. Шунини ҳам унутмаслик керакки, инсонда соғлом эътиқод ва юксак дунёқарашнинг шаклланиши учун маълум муҳит ҳам зарур. Ўзбекистонда бу борада улкан ишлар амалга оширилмоқда. Юртбошимиз ташаббуси билан мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ миллий-маданий ва маънавий-маърифий кадриятларимизни тиклаш, тарихимизни холис ва чуқур ўрганиш, буюк аждодларимиз хотирасини ёд этиш, бой илмий-адабий меросни ўрганиш, халқ маънавиятини юксалтириш каби вазифалар миллий сиёсатимизнинг устувор йўналишларидан бирига айланди. Ижтимоий ва сиёсий институтлар – давлат ва нодавлат ташкилотлари, сиёсий партиялар, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватловчи жамғармаларнинг ташкил этилиши ўзига хос ижтимоий муҳитни шакллантирди. Бу эса, ўз навбатида, ёшларнинг буюк келажак бунёдкори бўлиб вояга етишида муҳим ўрин тутмоқда.

Лекин, эътибор қаратиш керак бўлган яна бир жиҳат борки, бу айрим ёшларнинг турли хил ёт ва зарарли ғояларга аралашиб қолаётганидир. Агар ўсмир ёки ўспиринда ёшлиқдан китобга, билимга меҳр шаклланмаган бўлса, унинг билими саёз, тушунчалари тор бўлса, у соғлом ғояни зарарли ғоядан, дунёвийликни даҳрийликдан, зиёни жаҳолатдан фарқлай олмайди. Ғоявий соғломлик ҳар қандай ғайритабiiй фикрларга муносиб жавоб беришни, ёт ва зарарли ғояларга нисбатан мафкуравий иммунитетни, турли ақидапарастлар билан асосли ва танқидий мунозаралар олиб боришни, ўз нуқтаи назарининг тўғрилигига ишонч-эътиқод туйғусини камол топтиришни тақозо этади.

Шахс маънавияти, унинг дунёқарашини, инсоннинг тафаккур ва эътиқодига алоқадор кўникмалар мажмуи асосан оилада шаклланади. Шу маънода, оила – ҳақиқий маънавият ўчоғи, тарбия омили ва муҳитидир. Бинобарин, миллий мафкурамизга хос илк тушунчалар инсон қалби ва

онгига, аввало оила муҳотида сингади. Бу жараён эса боболар ўгити, ота ибрати ҳамда она меҳри орқали амалга оширилади.

Мустақил Ўзбекистон давлатининг маънавият соҳасидаги сиёсати мазкур жабҳанинг мамлакатимизда кўзланаётган барча инсоний мақсадларга эришишнинг, унинг бозор иқтисодиётига таянувчи демократик жамиятга маърифатли йўл билан киришнинг руҳий асоси ҳамда жамиятдаги ижтимоий кафолатларни мустаҳкамлашни ҳақимизнинг маданий савияси ривожига узвий боғлиқ эканлигини эътироф этиш билан тавсифланади.

Ушбу йўналишда амалга оширилаётган ва рўёбга чиқарилажак саъйи ҳаракатларнинг моҳияти, мазмуни ҳамда аҳамиятини таъкидлаб, И.А.Каримов томонидан айтилган фикрларнинг ўзагини қуйидаги фалсафий қоидалар ташкил этади: ислохотлар, хусусан қишлоқ хўжалигини ислох қилиш, бутун ҳаётимизни ўзгартиради; одамлар тафаккурини эса фақат турмуш, ҳаёт тарзигина ўзгартира олади; турмуш, ҳаёт тарзи онгни белгилайди; одамларнинг турмушини, ҳаёт тарзини қанчалик кўп ўзгартирсак, эски тузум асоратларини қай даражада барҳам топдирсак, кишиларнинг тафаккур тарзи ҳам шунчалик тез ўзгаради.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, Юртбошимиз И.А.Каримов раҳбарлигида амалга оширилаётган сиёсат маънавиятнинг ижтимоий тараққиётдаги ўрни ва аҳамияти айнан мана шу мазмунда тушунишга асосланган фалсафий қоидалар негизида қурилган.

Мамлакатимиз Йўлбошчисининг фикрича: “Халқнинг маънавият ва маданияти унинг ҳақиқий тарихи ва ўзига хослиги қайта тикланаётганлиги жамиятимизни янгилаш ва тараққий эттириш йўлида муваффақиятли равишда олға силжитишда ҳал қилувчи, таъбир жоиз бўлса, белгиловчи аҳамиятга эгадир”<sup>54</sup>.

Шу билан бир қаторда, айти мустақиллик йилларида маънавий соҳада ўз ифодасини топган аниқ-равшан ютуқларни жамиятни янгилаш жараёни

<sup>54</sup> И.А.Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд. –Тошкент:“Ўзбекистон”, 1996, 274-бет.

илк босқичининг улкан муваффақияти деб ҳисобламоқ керакки, бунга асослар етарли.

Лўнда қилиб айтганда, истиқлол йиллари мобайнида босиб ўтган йўлимиз бизни, инсонийлик руҳи билан суғорилган, бозор муносабатларига асосланган фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлатни фақат илғор маънавиятнинг мустаҳкам пойдевори негизда қуриш мумкинлиги ҳақидаги хулосага олиб келди. Зеро, Президентимизнинг ҳақли равишда уқтиришича: “Фақат билимли, маърифатли жамиятгина демократик тараққиётнинг барча афзалликларини қадрлай олишини ва, аксинча, билими кам, оми одамлар авторитаризмни ва тоталитар тузумни маъқул кўришини ҳаётнинг ўзи ишонарли тарзда исботламоқда”<sup>55</sup>.

Шу боис ҳам, бизнинг жамиятимиз ўз келажагини фақат фуқаролар онгида мустаҳкам илдиз отган юксак миллий-маданий ва маънавий-маърифий кадриятлар орқалигина тасаввур қилмоқда. Агар мустақиллик ақл доирамизни кенгайтирган бўлса, ўз навбатида, ақл-заковат, маънавиятимиз мустақиллигимизни мустаҳкамлаш ишига тўла сафарбар этилгандир. Бунга мисол тариқасида “Миллий истиқлол ғояси” ўқув фанининг таълим тизимида жорий этилишини келтириб ўтиш ўринли.

“Миллий истиқлол ғояси” ўқув фанининг ўзига хос вазифалари бор. Улар, аввало, Президентимизнинг “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” номли рисоласига ёзган Сўз бошида белгилаб берилган қўйидаги асосий мақсад билан узвий боғлиқдир: “Халқни буюк келажак ва улуғвор мақсадлар сари бирлаштириш, мамлакатимизда яшайдиган, миллати, тили ва динидан қатъий назар, ҳар бир фуқаронинг ягона Ватан бахт-саодати учун доимо масъулият сезиб яшашга чорлаш, аждодларимиз бебаҳо мероси, миллий кадрият ва анъаналаримизга муносиб бўлишга эришиш, юксак фазилатли ва комил инсонларни тарбиялаш, уларни яратувчилик ишларига

<sup>55</sup> И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Асарлар, 6-жилд. –Тошкент:“Ўзбекистон”, 1997, 134-бет.

даъват қилиш, шу муқаддас замин учун фидоийликни ҳаёт мезонига айлантириш – миллий истиқлол мафқурасининг бош мақсадидир”.

Ана шу бош мақсад бу тўғридаги ўқув фанининг ҳам асосий вазибаларини белгилайди. Бу борада “Миллий истиқлол ғояси” ўқув фанининг янги дунёқарашни шакллантириш функцияси аҳамиятлидир.

Маълумки, ғоялар тўғрисидаги илмий билимлар кишиларнинг дунёқарашини шакллантиришга хизмат қиладиган фалсафий тафаккурнинг муҳим қисмидир. Улар кишиларнинг оламни билиш, ўзлаштириш, фаровон ҳаёт кечириш ва ўз инсоний моҳиятларини намоён этиш эҳтиёжлари билан узвий боғлиқ. Ғоявий дунёқараш мураккаб тузилишга эга. У бир қанча таркибий қисмларни – мафкура соҳасидаги муайян билимлар, ғоя ва мақсадлар, табиий ва ижтимоий фанларнинг ютуқлари, тасаввурлар, кадрийатлар, ишонч, эътиқод, фикр, ҳиссиёт ва ҳоказоларни ўз ичига олади.

Ғоявий дунёқараш таркибида эътиқод муҳим аҳамиятга эга. У инсоннинг ўз қарашлари ва ғоялари тўғрилиги, орзу-умидларининг асосли эканлиги, фаолияти ва хатти-ҳаракатининг умумий мақсадларга ва талабларга мослигига бўлган чуқур ишончидан пайдо бўлади, кишининг ҳиссиётлари, иродаси ва фаолият йўналишларини белгилайди, шахсни омилкор амалий фаолиятга ундайди. Бирор партия ёки гуруҳ ўз мақсадларига етиш учун жамиятдаги мавжуд маънавий ҳаётда салмоқлироқ жой эгаллашга ёки уни ўз манфаатлари йўлида ўзгартиришга ҳаракат қилади. Умуман, ҳаётда ўз мақсадига эришишнинг энг осон ва кам ҳаракат талаб қиладиган йўли – ўзгаларнинг дунёқарашига кириш, уни ўз мақсадлари томон ўзгартиришдир. Чунки азал-азалдан ҳар қандай мафкура ғоявий дунёқарашларга оид саволларга жавоб тариқасида дунёга келган.

Ҳар қандай манфаат шакллари ва даражалари муайян ғояларда, назарияларда ўз ифодасини топади. Шу нуқтаи назардан, ғоялар, назариялар ўртасида кураш бўлиши табиий. Президентимиз таъбири билан айтганда: “Ҳаётнинг ўзи турли-туман ғоялар курашидан, баҳсу мунозаралардан иборат. Тараққиётнинг маъно-мазмунини керак бўлса, фалсафаси ҳам шунда. Ўз

мустақил фикрига эга бўлган, ўз кучига ўзи танлаган йўлининг тўғрилигига ишонган инсон доимо келажакка ишонч билан қарайди. У жамиятдаги фикрлар хилма-хиллигидан чучимайди, балки замонавий билим ва фалсафий қарашларга, ҳаёт ҳақиқатига суянган ҳолда ҳар қандай ғаразли ният, таҳдид ва интилишларни фош қилишга қодир бўлади”<sup>56</sup>.

“Миллий истиқлол ғояси” ўқув фанининг ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш функцияси ҳам бор. Бу борада уларни ҳозирги замоннинг мафкуравий манзараси, бугунги дунё ғоя ва мафкуралар соҳасида воқеа ва ҳодисалар билан таништириш, халқимизнинг ўз олдига қўйган пировард мақсадига етишиши учун халақит бериши мумкин бўлган мафкуравий марказлар, полигонлар, ёт ва бегона ғояларнинг зарарли таъсиридан огоҳ қилиш ниҳоятда катта аҳамиятга эга.

Дунё сахнида кечаётган мафкуравий жараёнлар ҳақида гап кетар экан, унга яна бир муҳим хусусиятни қайд этиш лозим. “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” рисоласида таъкидланганидек, бугунги кунда аксарият ривожланган давлатларнинг мафкураси умуминсоний қадриятлар ва демократик тамойилларга асосланади. Уларда тинчлик ва тараққиёт, инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинлиги, миллий ва диний тотувлик ғоялари устувордир<sup>57</sup>. Шу билан бирга, бугунги дунёда сохта ғоялар ва бузғунчи мафкуралар воситасида ғоявий таъсир ўтказиш имкониятлари ҳам кенгайиб бормоқда. Тажовузкор миллатчилик ва шовинизм, неофашизм ва неокommунизм, ирқчилик ва диний экстремизм мафкуралари дунёдаги тинчлик ва барқарорликка раҳна солишга ҳаракат қилмоқда. Бу борада айниқса, Президентимизнинг қуйидаги фикрлари ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга: “Миллат бор экан, миллий давлат бор экан, унинг мустақиллиги ва эркинлиги, анъана ва урф-одатларига таҳдид соладиган, уни ўз таъсирига олиш, унинг устидан ҳукмронлик қилиш, унинг бойликларидан ўз манфаати

<sup>56</sup> Ислом Каримов. Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман. “Фидокор” газетаси, 2000 йил 8 июн.

<sup>57</sup> Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. –Тошкент:Ўзбекистон, 2001. –Б. 22. // Бағрикенглик – барқарорлик ва тараққиёт омили. –Тошкент:“Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2007. –Б. 12.

йўлида фойдаланишга қаратилган интилиш ва ҳаракатлар доимий хавф сифатида сақланиб қолиши муқаррар. Шу маънода, бундай хавф-хатарларга қарши асосий қурол сифатида юртимизда яшаётган ҳар бир инсон, аввало, униб-ўсиб келаётган янги авлоднинг ҳар томонлама баркамол, иродаси бақувват, иймони бутун бўлиб вояга етиши учун кенг жамоатчилик ва аҳолимиз ўртасида маънавий-маърифий фаолиятимизни юксак даражага кўтаришнинг аҳамияти беқиёсдир»<sup>58</sup>.

Диншунослик мавзуларини чуқур ўрганиш ҳам “Миллий истиқлол ғояси” ўқув фанининг вазифаларини бажаришга ёрдам беради. Диннинг моҳияти, унинг ижтимоий ҳодиса сифатидаги ўрни ва аҳамияти, жаҳоннинг диний манзараси қандай экани, унда қайси дин ёки конфессиянинг тутадиган ўрни каби масалаларни ўрганиш ниҳоятда муҳим.

Маълумки, дин дунё, инсон ва бошқа мавжудодларнинг яралиши ва келиб чиқишини, ҳаётнинг маъно-мазмуни, инсоннинг яшашдан кўзлаган мақсади каби масалаларга илоҳий нуқтаи назардан жавоб берувчи дунёқараш шаклидир. У бугунги кунда ҳам шу вазифани адо этиб келмоқда. Дин диний дунёқарашни, диний маросимларни, шунингдек, диний туйғуларни ҳам ўз ичига олади. Ўрта асрларда дин маданиятнинг илм-фан, фалсафа, ҳуқуқ, ахлоқ каби барча турларини ўзида мужассамлаштирган ва уларга ўз таъсирини ўтказган, қадим-қадимдан аксарият маънавий қадриятларни ўзида мужассам этиб келган. Миллий қадриятларнинг асрлар оша безавол яшаб келаётгани ҳам диннинг шарофатидандир. Чунки дунёдаги динларнинг барчаси эзгулик ғояларига асосланади ва яхшилик, тинчлик, дўстлик каби хусусиятларга таянади. Одамларни ҳалоллик ва поклик, меҳр-шафқат, биродарлик ва бағрикенгликка чақиради. Жаҳондаги барча йирик динлар бу дунёни фоний, ўткинчи ҳисоблайди. Улар инсоннинг яшашдан асл мақсади бу дунёда хайрли, савобли ишлар қилиб, боқий дунё синовларига тайёргарлик кўриш, жаннат саодатига сазовор бўлиш, деган ғояни тарғиб этади. Барча динларда инсон ҳаётининг моҳияти, мазмуни, кишилар

<sup>58</sup> Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. –Тошкент:“Ўзбекистон”, 2000. 3-бет.

ўртасидаги сиёсий-ҳуқуқий, ахлоқий муносабатларни тенглик ва адолат мезонлари асосида ўрнатиш масаласи озми, кўпми ўз аксини топган. Шу боисдан ҳам ҳар бир ватандошимиз, айниқса, ёшлар, аввало, динлар тарихини, уларнинг асл моҳиятини чуқур билиши лозим. Бу ўз навбатида, диний ақидапарастлик, ислом халифалигини тиклаш, дин ниқоби остидаги зарарли ва бузғунчи ғояларнинг мазмун-моҳиятини чуқур англаш, уларга қарши фаол ва огоҳ бўлиш туйғуларини шакллантиришга ёрдам беради. Шунинг билан бирга мамлакатимиздаги террорчилик ишлари, бузғунчи ва вайрон қилувчи фаолиятларнинг сабаблари тушинилган бўлади.

Бу жараёнларга қарши олинishi керак бўлган тадбирларни қуйидагича белгилашимиз мумкин:

– Ватандошларимизда диний ва миллий қадриятларга нисбатан ишонч ва эътиқодни шакллантириш, бу билан уларни ақлан ва руҳан хотиржам қилиш.

– Ватандошларимизга, айниқса ёшларимизга, ҳар ёшда ва ҳар даврда дарс, семинар ва йиғилишлар билан динимизни ва миллий маданиятимизни яхши ўргатишимиз керак.

– Радио-телевидение дастурлари билан диний маданиятни кучайтирувчи, диний ва миллий қадриятларимизга юксак ҳурмат ва эҳтиром хисларини уйғотувчи нашрларга кўпроқ аҳамият бериш.

– Бу борада китоб ва рисолалар бостириш ва ватандошларимизнинг ўқишларини ҳар хил усуллар билан таъминлаш.

– Бузғунчи жараёнларнинг моҳияти ва улар асосланган принципларини жуда яхши билувчи мутахассисларни етиштириш; бу мавзуда илмий тадқиқотлар олиб бориш.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, қадриятларнинг моҳиятини билиш, уларга эътиқод, ихлос қўйиш – ёшларда миллий ғурур, ватанпарварлик, миллий бирдамлик ва ҳамжиҳатлик туйғуларини шакллантиришда, инсонпарварлик, ҳалоллик, меҳнатсеварлик, ахлоқий поклик каби фазилатларини камол топтиришда катта тарбиявий аҳамиятга эга.

## 2.2. Диний эътиқоднинг маънавиятни шакллантириш ва юксалтиришдаги аҳамияти

Маълумки, маънавият Ўзбекистонда янги жамият қуришнинг иқтисод билан бирга устун йўналишларидан ҳисобланади. “Халқнинг маънавий руҳини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш – Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг энг муҳим вазифасидир”, – деб таъкидлаган эди истиқлолнинг илк йилларидаёқ Юртбошимиз Ислом Каримов. Ўз фикрини яна давом эттириб у: “Маънавият – инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир”<sup>59</sup>, деб баҳо беради.

Маънавият тушунчаси жуда кенг мазмунга эга. Чунки бу тушунча узок тарихий даврдан ривожланиб келган. Чоп этилаётган баъзи китобдарда маънавият баъзан онгнинг, баъзан ахлоқ ва эътиқоднинг, кўпинча маънавий маданиятнинг синоними, баъзан ҳатто уларнинг ҳаммасини ифодалайдиган йиғма тушунча сифатида ишлатилади. Шу жиҳатдан “Маънавият жамият тараққиёти жараёнида шаклланган маданиятнинг инсоният, шахс онгида ифодаланишидир. Маданият мазмун жиҳатдан ниҳоятда кенг бўлиб, ҳар бир тарихий даврдаги маънавият унинг барча томонларини қамраб ололмайди”<sup>60</sup>, – деб ҳисоблайди Э.Юсупов.

Шунингдек, маънавиятнинг кенг қамровли тушунча эканлиги Президентимиз Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” номли асарида батафсил ёритилган. Муаллифнинг назарида, “маънавият” тушунчаси жамият ҳаётидаги ғоявий, мафкуравий, маърифий, маданий, диний ва ахлоқий қарашларни ўзида тўла мужассам этади. Шунинг учун ҳам бу мавзуда фикр юритганда, мазкур қарашларнинг барчасини умумлаштириб кенг маънодаги “маънавият” тушунчаси орқали ифода этиш мумкин<sup>61</sup>.

Маънавият жамиятда қарор топган етакчи ғояларга ҳамда кишиларнинг дунёқарашига, эътиқодига ҳам боғлиқ. Ҳақиқатан, маънавият онгдаги

<sup>59</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, сиёсат, мафкура. 1-китоб. –Тошкент: 1996. –Б. 80-81.

<sup>60</sup> Юсупов Э.Ю. Ҳадисларда дунёвий ва диний ғояларнинг боғлиқлиги. – Ж. “Ўзбекистонда ижтимоий фанлар”, 1994. 5-сон.

<sup>61</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Тошкент: “Маънавият”, 2010. –Б. 20.

тасодифий, иккинчи даражали, вақтинчалик ҳолат бўлиши мумкин эмас. У собит эътиқодга айланган, қадрият даражасига кўтарилган бўлиб, жамиятдаги муносабатларни ва инсон хатти-ҳаракатини белгилашда ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Эътиқодсиз маънавият бўлмайди. Эътиқод маънавиятнинг энг асосий устунларидан биридир. У маънавиятга муштараклик ва жипслик бағишлайди. Унинг турли таркибий қисмларини ўзаро бирлаштиради ҳамда маънавиятни амалиётга боғлайди. Эътиқод маънавиятнинг моҳиятини очиб берувчи тушунчалардан биридир<sup>62</sup>.

Инсон эътиқодсиз, ғоясиз, фикрлашсиз яшолмайди. Шахс ва унинг эътиқоди масаласи муҳим муаммолардан бўлиб, унинг шаклланиши моҳиятан ижтимоий омилларга бевосита боғлиқ деб қаралади. Бу масалага эътиборнинг ортиб бораётганининг боиси шундаки, шахсдаги мафкуравий иммунитетнинг шаклланишида ундаги эзгу ғоя ва иймон-эътиқод муҳим аҳамиятга эгадир. Агар биз ёшларимизда болаликдан бошлаб соғлом эътиқод ва юксак дунёқарашни шакллантира олсак, улар маънавияти бой, мустақил фикрли ва олийжаноб шахслар бўлиб камолга етишади. Шу маънода, шахс эътиқоди ундаги шундай барқарор ва теран фикр, тасаввурлар, билимлар мажмуиқи, мафкуравий дунёқараш, миллий ғоялар, бир сўз билан айтганда, инсон маънавияти аслида ана шундай эътиқодлар асосида шаклланади ва юксалиб боради.

Албатта эътиқод ҳақида фикр юритганда кўр-кўрона эътиқод билан тарихий ва ҳаётий тажриба натижаси бўлган, билимга асосланган эътиқодни фарқлаш зарур. Фақат илмий билимга асосланган эътиқодгина фикр ва мулоҳазаларнинг чинлигини аниқлашда етарли асос бўлади. Шунинг учун ҳам улар инсон қалбида мустаҳкам ўрнашиб қолади. Эътиқоднинг назарий ифодаси сифатида мафкура шаклланади. Президентимиз И.А.Каримов:

<sup>62</sup> Абдурахим Эркаев. Маънавият ва тараққиёт. –Тошкент:“Маънавият”, 2009. –Б. 22.

“Миллий мафкура – бу халқнинг, миллатнинг ўтда ёнмайдиган, сувда чўкмайдиган ўлмас этикодидир”<sup>63</sup>, деганда айнан шуни назарда тутган эди.

Демакки, миллий мафкура инсоннинг нафақат онгидан балки, унинг қалбидан чуқур жой олгандагина у мустаҳкам ва абадий бўлади. Агарки, аксинча бўлса, яъни миллий мафкура инсон онгида ва қалбида тўла шаклланмаган, кўр-кўрона, шунчаки бир оддий тушунча сифатидаги хусусият касб этса, албатта унинг онгида ва қалбида ғоявий, мафкуравий том маънода айтганда маънавий бўшлиқ юзага келиши табиийдир. Тарихдан маълумки, уруш ва низо, беқарорлик ва бузғунчилик ғоялари, ҳар қандай ғоя сингари аввало, баъзи инсонлар миясида пайдо бўлиб, сўнгра маълум бир гуруҳлар онгига сингач, амалиётга ўтади. Худди шундай фашизм ҳам, аввало, Муссолини ва Гитлер қабила онгида пайдо бўлган, сўнгра ўз ортидан одамларни эргаштириб не-не балоларга сабаб бўлган эди.

Мамлакатимиз халқининг қалби ва онгига ёт мафқурани сингдириш учун юртимиз тинчлигини кўролмаётган айрим диний-сиёсий кучлар бир қарашда беозор, гўё сиёсатдан ҳоли туюладиган мафкуравий воситалардан фойдаланмоқда. Буларга мисол тариқасида биргина маънавий таҳдидларни келтиришнинг ўзи кифоя. “Маънавий таҳдид деганда, аввало, тили, дини, этикодидан қатъи назар, ҳар қайси одамнинг том маънодаги эркин инсон бўлиб яшашига қарши қаратилган, унинг айнан руҳий дунёсини издан чиқариш мақсадини кўзда тутадиган мафкуравий, ғоявий ва информацион хуружларни назарда тутиш лозим”.

Шарқ ёки Ғарб мамлакатлари бўладими, олис Африка ёки Осиё китъаси бўладими – жаҳоннинг қайси бурчагида бўлмасин, маънавиятга қарши қандайдир таҳдид пайдо бўладиган бўлса, ўзининг бугунги куни ва эртанги истиқболини ўйлаб яшайдиган ҳар бир онгли инсон, ҳар бир халқ ташвишга тушиши табиий, албатта. Бу ҳақда гапирганда, фақат битта миллат ёки халқ ҳақида фикр юритиш масалани ўта тор тушуниш бўлур эди. Яъни,

<sup>63</sup> И.А.Каримов. Миллий истиқлол мафқураси – халқ этикоди ва буюк келажакка ишончдир: «Фидокор» газетаси муҳбири саволларига жавоблар. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – Б. 30.

бу ўринда сўз фақат бизнинг маънавиятимизга қарши қаратилган тажовузлар ҳақида, азалий фазилатларимиз, миллий қадриятларимизни ана шундай хужумлардан асраш хусусидагина бораётгани йўқ. Муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлган ушбу муаммони кенг миқёсда, дунёнинг барча мамлакатлари ва халқлари ҳаётига дахлдор масала сифатида ўрганиш, таҳлил қилиш ва баҳолаш мақсадга мувофиқдир.

Диний эътиқоднинг маънавиятни шакллантириш ва юксалтиришдаги аҳамияти ҳақида гап кетар экан, аввало маънавият инсон руҳияти, иродаси ва иймон-эътиқоди билан бевосита боғлиқ бўлган хусусият эканлигини таъкидлаш жоиз.

Зеро, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, “Маънавият – инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир”<sup>64</sup>.

Умумий маънода эътиқод маълум қадриятлар, диний ёки дунёвий маслақлар, муносабатларнинг инсон қалбида яшаш фалсафаси, фаолият дастури сифатида қабул қилинишидир. Агар шу жараённинг оқибати ўларок одамда диний ёки дунёвий маслақ, ишонч каби турғун муносабатлар шаклланган бўлса, биз уни эътиқодли одам деб атаймиз. Инсоннинг инсонлиги, унинг жамиятдаги ўрни ва нуфузи ҳам маълум маънода унинг эътиқоди билан ҳам белгиланади. Айрим инсонлар бутун умри мобайнида фақат битта нарсага эътиқод қилади. Масалан, Франциялик машҳур сайёх Кусто ва унинг командаси ҳақидаги фильмни ҳамма кўрган. Бир қарашда у бутун умрини денгиз ҳаёти ва ундаги сирли воқеалар, ҳали инсонларга маълум бўлмаган ҳайвонот дунёсини кашф этишга бағишлагандек туюлади. Денгиздан жуда узокда яшайдиган, ундан манфаат кўрмайдиган одамлар учун бу тадқиқотчининг ҳаёти ва қилган ишлари кераксиз бир нарсадек кўринади. Лекин бу олимнинг ўз ишига садоқати, эътиқоди шу даражада кучлики, уни бутун дунё ва соғлом фикрловчи ҳар бир инсон юксак

<sup>64</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Тошкент:“Маънавият”, 2010. –Б. 13-19.

кадрлайди. Бу каби одамларнинг бошқа сохалардаги хизмати кам бўлиши мумкин, аммо башарият уни юксак эътиқоди учун ҳурмат қилади. Демак, эътиқодсизликдан кўрқиш керак, негаки, эътиқодсиз инсон ҳеч нарсага ишонмайди ва унинг мақсад-маслаги ҳам бўлмайди. Бундай инсонларга ёрдам бериш лозим, чунки бу одамдаги эътиқодсизлик нафақат унинг ўзига, балки атрофдагиларга ҳам зиён келтиради.

Эътиқодли одам аввало фойдали иш билан шуғулланади, ўзгаларга зиён келтирувчи амаллар қилмайди, ёлғон гапирмайди. У ҳар доим лафзига амал қилади, яъни бир нарсани қиламан, деб аҳд этса, бутун кучи ва иқтидорини сафарбар қилиб, уни албатта бажаради, бошлаган ишини охирига етказди. Эътиқодли инсон нима қилаётганини, нима учун айнан шу ишни қилаётганлигини жуда яхши билади. Шу боис ҳақиқий эътиқод эгаси илмга интилади, ўз олдига аниқ мақсад қўйиб яшайди, ҳар томонлама баркамол бўлишга тиришади, яхшиларга ошно бўлиш, буюкликка ҳавас унинг ҳаётий шиорига айланади. Ҳақиқий эътиқод соҳиби ўзидан оиласига, фарзандларига, бир сўз билан айтганда инсониятга нимадир қолдиришни истаб яшайди. Шунинг учун ҳам эътиқод, шахсдаги журъат, мардлик, фидойлик, ирода, виждон, қатъият, ҳалоллик, инсонпарварлик ва ватанпарварлик каби фазилатлар билан боғлиқдир.

Ҳар бир алоҳида шахс онги ва шуурида шаклланган туйғулар, фикрлар ва муносабат яхлит жамият, халқнинг фикри ва ғурурига айланганда шундай қудрат касб этадики, оқибатда эркин ва ҳур яшаш, Ватан тинчлиги ва ҳар бир оиланинг хотиржамлигини таъминлаш халқнинг эътиқоди бўлиб қолиши лозим. Демак, кўпчиликнинг маслак ва тилаклари, фикрлаши ва муносабатига айланган ғоя, тасаввур ва билимлар тизими халқ эътиқоди деб аталади.

Халқ эътиқоди ва унинг руҳи шундай қудратли таъсир кучига эгаки, у ҳар бир соғлом фикловчи инсонни ижодий фаолиятга, касб-корнинг ҳалол бўлишига замин яратади. Ўзбек халқи ана шундай илоҳий марҳаматга сазовор бўлган, ўз миллий эътиқодига эга миллатлардан биридир. Буни биз

буюк инсонлар ва мутафаккирлар тимсолида кўрсак бўлади. Чунки халқ руҳи ва ундаги эътиқодни миллатнинг энг илғор вакиллари, мутафаккирлар ифода этади. Масалан, Амир Темурининг давлат қурилиши ва саркардалик бобидаги юксак иқтидори, халқимиз руҳиятидаги салоҳият ва имконият ифодаси бўлган Алишер Навоийнинг ижоди ҳам халқ эътиқодининг ўлмас намунасидир. Халқ эътиқоди, юқорида эътироф этилганидек, ҳар бир шахс эътиқодининг йўналишини белгилайди. Атрофдагилар ва яқинлари тақдирига бефарқ бўлмаган, кўпчилик манфаатини ўз манфаатидан устун билган инсон бундай эътиқодга берилган ва ундан таъсирланган ҳисобланади.

Шахс камолоти жараёнида унинг турли зиддиятларга ва зарарли эътиқодларга берилиш ҳолати ҳам кузатилади. Масалан, психологлар этник зиддиятлар ҳамда диний эътиқодлар шаклланиши ва ўзгаришига катта эътибор бериб, ушбу жараёнга хос умумий қонуниятларни ўрганганлар. Масалан, машҳур америкалик психолог Гордон Олпортнинг фикрича, эътиқод ва этник зиддиятлар ўзига хос умумлашган установкалар бўлиб, агар шахсда муайян бирор миллат вакилларига нисбатан салбий муносабат ёки зиддият мавжуд бўлса, демак, унда бошқа миллат вакилларига нисбатан ҳам худди шундай муносабатна кутиш мумкин<sup>65</sup>.

Шахс эътиқодига алоқадор бўлган шундай зиддиятлардан бири фанатик бўлиб, уни ҳақиқий тақводорлик ёки ҳақиқий эътиқоддан фарқлаш зарур. Шунинг учун билимга таянмаган эътиқод, гарчи қанча олий бўлмасин, кўр-кўрона (фанатик) эътиқодлигича қолади. Фанатизм эса экстремизмнинг манбаидир. Айни пайтда эзгулик, поклик, меҳру-мурувват, адолат, гўзаллик ва ҳ.к.лар ғалабасига ишонч-эътиқод билан боғланмаган ақлий билимлар кишини разолатга, қабоҳатга, турли фожеаларга ва эндиликда ўзимиз гувоҳ бўлиб турган глобал цивилизацион “ҳалокат”га олиб келади. Шу маънода билимни деб эзгуликка бўлган эътиқоддан, эътиқодни деб билимдан юз ўгирмасликда буюк ҳикмат бор. Бундан ташқари эзгуликка (Муҳаббат,

<sup>65</sup> Ўша асар. –Б. 194.

Раҳим, Раҳмон, Ҳақ каби символларда ифодаланган Худога) эътиқод дунёвий илмий билимга бўлган эътиқоддан анча юксак эканини ҳам эътиборга олиш жоиз<sup>66</sup>.

Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, шахсдаги ташқи ва ички диний эътиқодни ёки динга мойилликни фарқлайдилар. Америка олимлари ўтказилган кўплаб тадқиқотларда сиғиниш жойларига бориш билан эътиқодлилик кўрсаткичлари ўртасидаги боғланишни ўргандилар. Бу боғланиш бевосита бўлиб, мунтазам черковга қатнайдиغانлардаги толерантлик ўртача қийматли бўлиб чиқди. Черковларга мунтазам қатнайдиغان шахсларда инсонийлик даражаси юқори бўлади. Ўша тадқиқотлардан маълум бўлишича, диний манбаларни тўла мутолаа қилиб чиққан одам одатда – анча зиддиятлардан ҳоли, толерантлиги эса юқорирок бўлар экан.

Кишилар эътиқодида диний карашлар, хусусан диний фундаменталистик майллар кўпроқ бўлсаю, аммо диний бағрикенглик бўлмаса, турли конфессиялар орасида зиддиятли вазиятни келтириб чиқариши мумкин. Хаттоки, диний эътиқод туфайли миллатлар ўртасида келишмовчилик юзага келиб баъзан фожиали оқибатларни келтириб чиқаради.

Эътиқод ва диний бағрикенглик ўз мазмун-моҳияти билан фалсафий тушунчалар сифатида индивидуал ва ижтимоий онгда муайян даражада шаклланади. Зеро, бу иккала тушунча ўзаро узвий боғлиқликда шакллангандагина ижтимоий ҳаётда ўз ўрнига эга бўлади<sup>67</sup>.

Демак, эътиқодий бағрикенглик ҳақида гап кетар экан, шу ўринда ислом динининг муқаддас китоби Қуръони каримда келган бағрикенгликка оид баъзи оятлар ҳақида тўхталиб ўтиш ўринли деб ўйлайман. Зеро, жаҳон динларининг ичида фақат исломда эътиқод эркинлиги очиқ-ойдин эълон қилинган: Бақара сурасининг 256-оятида: “Динда зўрлаш йўқ, зеро, тўғри йўл

<sup>66</sup> Қаҳҳорова Ш.Б. Глобал маънавият – глобаллашувнинг ғоявий асоси. –Тошкент:“Тафаккур”, 2009. –Б. 97.

<sup>67</sup> Абдусамедов А.Э. Динлар фалсафаси. –Тошкент: 2010. –Б. 5.

янглиш йўлдан ажрим бўлди. Бас, ким шайтонни (ёхуд бутларни) инкор этиб, Аллоҳга иймон келтирса, демак, у бузилмас, ишончли ҳалқани тутибди. Аллоҳ эшитувчи ва билувчидир”<sup>68</sup>, дейилган. Оли Имрон сураси 84-оятида: “Айтинг (эй, Муҳаммад!): “Аллоҳга, бизга нозил қилинган нарса (Қуръон)га ва Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Ёқуб ва (унинг) авлодларига нозил қилинган нарсаларга, Мусо ва Исо ҳамда барча пайғамбарларга Парвардигорлари томонидан берилган нарса (ваҳий)га иймон келтирдик. Уларнинг орасида бирортасини (тасдиқлашда) фарқ қилмаймиз ва биз Унинг ўзигагина бўйин синувчилармиз”<sup>69</sup>. Мумтаҳана сурасининг 8-оятида эса: “Дин тўғрисида сизлар билан урушмаган ва сизларни ўз юртингиздан (ҳайдаб) чиқармаган кимсаларга нисбатан яхшилик қилишингиз ва уларга адолатли бўлишингиздан Аллоҳ сизларни қайтармас. Албатта, Аллоҳ адолатли кишиларни севар”<sup>70</sup>, – деб айтилган. Лекин, шунга қарамай, ислом динига ёмон кўз билан қарайдиган, Муҳаммад (с.а.в)га нисбатан фанатизм, диний зўравонлик каби ёлғон айбларни қўйувчи баъзи кимсалар ҳам борки, шубҳасиз бу уларнинг Қуръон оятларини ва бошқа диний таълимотларни билмаслигидан ёки билсада, атайин ўзининг ғаразли мақсадлари йўлида уларни бузиб талқин қилишлигидандир. Ваҳоланки, Расулуллоҳ (с.а.в) томонидан ривоят қилинган: “Иймоннинг афзали сабр ва бағрикенгликдир”, “Кимки зиммийга (зиммий – мусулмонлар юртида яшовчи бошқа дин вакили) озор берса, мен унга душмандурман. Менинг душманлигим қиёмат куни бўлур”, “Кимки зиммийга зулм қилса, менга зулм қилибди”, “Одамларга кенг қалбли бўлинглар, шунда одамлар ҳам сизларга шундай бўлурлар”<sup>71</sup> каби диний бағрикенгликни тарғиб этувчи, тинчликка чақирувчи ҳадиси шарифлар талайгина.

<sup>68</sup> Мансуров А. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. –Тошкент:“Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2007. –Б. 42. (кейинги ўринларда: Қуръони карим. –Б. 376.)

<sup>69</sup> Қуръони карим. –Б. 61.

<sup>70</sup> Қуръони карим. –Б. 550.

<sup>71</sup> Маърифат – тинчлик асоси. –Тошкент:“Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2007. –Б. 7-8.

Шу ўринда таниқли рус файласуфи В.С.Соловьевнинг ушбу фикрлари диққатга сазовордир: “Юқорида келтирилган Қуръон матнларидан Муҳаммадга нисбатан фанатизм, тоқатсизлик, диний зўравонлик каби айблар қанчалик ноҳақ эканини кўрдик. Умуман мусулмонларнинг муқаддас китобида Муҳаммад томонидан динни онгли равишда суистемол қилинганлиги ҳақида биронта сўз йўқ”<sup>72</sup>.

Демак, ҳақиқий эътиқод ички иймондан келиб чиқади. Шундай экан уни зўрлик билан ўрнатиб бўлмайди. Умуман олганда Қуръони каримнинг 50 дан ортиқ сурасидаги юзлаб оятларда мусулмонлар мўмин-қобиллик, тинчликпарварлик ва бошқа эътиқод вакилларига нисбатан бағрикенгликка даъват этилганлар<sup>73</sup>.

Бағрикенглик, раҳм-шафқат, тинчликсеварлик, тотувлик ва ҳамжиҳатлик каби умуминсоний қадриятлар Қуръони каримда ўзининг энг юксак намунасини топгани ҳолда, бошқа динларнинг муқаддас манбаларида ҳам мазкур жараёни кузатиш мумкин. Бунинг исботини христианликнинг муқаддас манбаси “Библия”да: “... раҳм қилганлар раҳм топадилар, ... тинчликпарварлар нажот топадилар<sup>74</sup>, ... барча инсонлар билан тинч-тотув бўлинглар<sup>75</sup>”, – деб таъкидланганлигида ҳам кўриш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, эътиқод маънавиятнинг энг асосий устунларидан бири сифатида, у билим, эзгу ғоялар ва бағрикенгликка ва шу каби бошқа эзгу фазилатлар билан йўғрилгандагина инсон маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда беқиёс аҳамият касб этади.

<sup>72</sup> Соловьев В.С. Магомет: его жизнь и религиозное учение. СПб., 1902. С. 78.

<sup>73</sup> Ислом тарихи. (Ҳасанов А. ва бошқ.) –Тошкент:“Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2007. –Б. 290-291.

<sup>74</sup> Библия. Евангелие от Матфея. (5:7, 5:9). –Киев: 1997. –С. 6.

<sup>75</sup> Библия. Хаворий Павелнинг римликларга мактуби. (12:18). –Киев: 1997. –С. 210.

### 2.3. Диний эътиқодни шакллантирувчи ва маърифатга йўналтирувчи омиллар

Одамни фақат жисмоний жиҳатдан бақувват қилиб тарбиялаш унчалик қийин иш эмас. Аммо уни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан камол топтириш – ғоят мураккаб вазифа. Айниқса, бугунги кунда мафкуравий курашлар гоҳ ошқора, гоҳ пинҳона тус олган ҳозирги нозик, қалтис шароитда, таҳликали замонда бу масала ниҳоятда долзарб аҳамиятга эга<sup>76</sup>.

Ана шундай мафкуравий жаҳатдан қалтис, давлатчилик асосларига раҳна солувчи, уни ичдан емиришга асосланган ёшлар тафаккурини диний ақидапарастлик каби бузғунчи ғоялар билан захарлашга қаратилган жараёнлар кечаётган ҳозирги шароитда ёшлар онгида диний бағрикенглик, толерантлик, диннинг замонавий жамиятдаги ўрни ҳақидаги ғояларни мустақиллик мафкураси асосида шакллантириш талаб этилмоқда. Диний омил ёшларнинг замонавий дунёқарашини шакллантиришда муҳим роллардан бири бўлиб, у давлат, дин ва инсон муносабатларини дунёвийлик ва либераллик асосида тарбиялашга хизмат қилмоғи лозим.

“Бағрикенглик тамойиллари Декларацияси”да таъкидланганидек, бағрикенглик бизнинг дунёмиздаги хилма-хилликни ҳурмат қилиш, қабул қилиш ва тўғри тушунишни англатади<sup>77</sup>. Шундай экан, бугунги кунда кишилар айниқса, ёшларда ўзаро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик туйғуларини камол топтириш, мурасизликнинг ҳар қандай кўринишларига фаол салбий муносабатни шакллантириш инсониятнинг истиқболига дахлдор масалага айланди, дейиш мумкин.

Шу нуқтаи назардан қараганда, ўзбек халқи маънавий меросида бағрикенглик маданиятини шакллантиришга қаратилган қадриятлар чуқур илдизга эга эканлигини таъкидлаш зарур. “Халқимизнинг этник, маданий ва диний сабр-бардоши, – деб ёзади И.А.Каримов, – маънавий Уйғонишнинг яна бир битмас-туганмас манбаидир. Минг йиллар мобайнида Марказий

<sup>76</sup> Каримов И.А. Ёшларимиз халқимизнинг ишончи ва таянчи. –Тошкент:Маънавият, 2006. –Б. 8.

<sup>77</sup> Қаранг: Бағрикенглик тамойиллари Декларацияси // ЮНЕСКО халқаро меъёрий ҳужжатлари. – Тошкент:Адолат, 2004. –Б. 91.

Осиё ғоят хилма-хил динлар, маданиятлар ва турмуш тарзлари туташган ва тинч-тотув яшаган марказ бўлиб келди. Этник сабр-тоқат, бағрикенглик ҳаёт бўронларидан омон қолиш ва ривожланиш учун зарур табиий меъёрларга айланди... Айни шу заминда кўп асрлар мобайнида жаҳон маданиятлари дунё миқёсида бир-бирини бойитган”<sup>78</sup>.

Асрлар давомида шаклланган ана шу қадриятлардан турли ижтимоий гуруҳлар вакиллариغا, уларнинг ҳис-туйғуларига эътибор ва ҳурмат билан муносабатда бўлишни намоён этувчи, кишиларнинг бир замон ва маконда ўзаро ҳамкор ва ҳамжиҳат яшашига йўл очувчи бағрикенглик маданиятини янада юксалтиришда фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Ушбу мақсадга эришиш жараёнида фуқароларимиз, айниқса, ёшларимизга:

– муросасизлик, нафрат ва зўравонликларнинг турли кўринишларининг асл сабаблари, манбалари ва илдизлари;

– “ўзгача” анъаналар ва маросимларга ётсираб қараш умуминсоний маданият ва маънавият ривожига салбий таъсир кўрсатиши;

– “бошқаларнинг” шаъни ва кадр-қимматини ҳақоратловчи хатти-ҳаракатлар, ижтимоий заминдаги адоват, душманлик ва экстремизм инсониятнинг бир бутунлиги, тинчлиги ва тараққиётига таҳдид солаётгани;

– “бошқаларга” ўз қарашлари ва қадриятларини мажбуран сингдиришга қаратилган хатти-ҳаракатлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига зидлиги;

– “бошқалар” ҳамда “ўзгача” ҳодисаларга нисбатан ноҳолислик, паст назар билан қараш, уларнинг соҳибларига салбий муносабат тарихнинг ҳамма даврларида кўплаб фожиалар келтириб чиқаргани;

– “бошқаларга” нисбатан ётсираш, тоқатсизлик ва муросасизлик кўринишлари мамлакат суверенитети ва хавфсизлигига таҳдид туғилишининг асосий манбаи;

<sup>78</sup> Каримов. И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Тошкент:Ўзбекистон, 1997. –Б. 141-142.

– “ўзгача” кадриятларга ҳар томонлама ҳурмат кўрсатилишини таъминлаш, ўзбек халқининг асрий анъаналарига ҳамоханг экани ҳақидаги билимларни сингдириш ҳамда тегишли кўникма ва кадриятлар тизимини шакллантиришни устувор вазифалар қаторида санаш мумкин<sup>79</sup>.

Бағрикенглик маданиятини шакллантириш билан боғлиқ бўлган ва юқорида қайд этилган вазифаларнинг муваффақиятли ҳал қилинишида таълим-тарбия ўзига хос ўринни эгаллайди. Зеро, “Тарбия мурасасизликнинг олдини оладиган энг самарали воситалардан бири ҳисобланади”<sup>80</sup>.

Мамлакатимизда таълим-тарбия соҳасида амалга оширилаётган туб ислохотлар баркамол инсон шахсини шакллантиришга қаратилган бўлиб, халқимизнинг миллий манфаатларига, эзгу мақсадларига тўла мос келади. Шу жиҳатдан олиб қараганда, миллий истиқлол мафкураси ёш авлодни тарбиялашнинг беқиёс омилидир. Чунки, у биринчи навбатда ҳаётга эндигина қадам қўяётган ёш авлоднинг ҳаётига янгича маъно ва мазмун бахш этишга, унда фаол ҳаётий позицияни шакллантиришга қаратилгандир. Нега деганда, ёшлар фақат миллий ғоя тимсолидагина мамлакат тарққиёти, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлигини таъминлашнинг муҳим воситасини кўрадилар. Ёшлар табиатан турли ғояларга қизиқувчан ва уларга тез берилувчан бўладилар. Миллий истиқлол мафкураси ҳали турмушнинг аччиқ-чучугини татиб кўрмаган, ҳаётий тажрибага эга бўлмаган ана шу авлодни миллий манфаат ва тараққиётимизга ёт бўлган сохта ва бузғунчи ғоялар тажовусидан ҳимоя қилади, фуқароларда мафкуравий иммунитетни шакллантиради.

Зеро, “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” рисоласида қисқа ва мухтасар тарзда баён қилинганидек: “Миллий истиқлол мафкураси – адолат ва ҳақиқат, эркинлик ва мустақиллик ғоялари ҳамда халқимизнинг ишонч ва эътиқодини акс эттиради”<sup>81</sup>. Биламизки, бу улут

<sup>79</sup> Бағрикенглик – барқарорлик ва тараққиёт омили. –Тошкент:“Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2007. –Б. 52.

<sup>80</sup> Бағрикенглик тамойиллари Декларацияси // ЮНЕСКО халқаро меъёрий ҳужжатлари. –Тошкент:Адолат, 2004. –Б. 93.

<sup>81</sup> Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. –Тошкент:“Янги аср авлоди”, 2001. 118- бет.

ғоялар истиқлол сари интилган ҳар бир халқнинг эзгу мақсади, ишонч ва эътиқоди бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.

Кўплаб динларда, хусусан, ислом динида болаларни эътиқодли, иймонли, илмли, ҳунарли, ўз дунёси ва охирати учун хайрли ишлар, савоб амаллар қиладиган, жамият учун нафи тегадиган баркамол инсон бўлиб етишишлари масаласи муҳим ўринни эгаллайди. Булар уларнинг ота-оналари, яқин қариндошлари, яшаётган жамиятларига вазифа қилиб юклатилгандир.

Динга бўлган эътиқод ва ҳурмат инсонлар тафаккурига чуқур сингиб кетган ҳиссиётлардан ҳисобланади. Шу боис, ёшлар тафаккурида ҳам динга бўлган муносабат ва унга эътиқод мазкур масаланинг илмий ўрганилиши ўзига хос хусусиятларини аниқлаш, давлат, нодавлат ва махсус тизимларнинг фаолиятида ҳамкорликни таъминлашни назарда тутди.

Хўш, ёшлар тафаккурини шакллантиришда диний омил қайси тамойилларни ўзида мужассам этади?

– дин инсон маънавияти ва умуминсоният тамаддудининг ўзвий тарихий қисми эканлигини тан олиш;

– динларнинг тенг ҳуқуқли эканлиги, уларни ўзаро қарама–қарши, ёки бирини иккинчисидан устун қўйиб бўлмаслиги, диний ташкилотлар ривожини учун тенг шароитларнинг яратилиши;

– диннинг давлат ишларидан ажратилганлиги, давлатнинг соф диний масалаларга аралашмаслиги;

– динга эътиқод қилмайдиган фуқаролар ҳуқуқларининг ҳам тўлиқ қафолатланиши ва ўзаро ҳурмат қилинишини таъминлаш<sup>82</sup>.

<sup>82</sup> Қаранг: Мунавваров З. Дунёвий давлат ва дин. –Тошкент:2003; Закурлаев А. Ғоялар кураши. – Тошкент:Мовароуннаҳр, 2000; Раҳматов О. Огоҳлик – муқаддас бурч. –Тошкент:Мовароуннаҳр, 2000; Нуриддинов М. Либос ва хиҷоб. –Тошкент:Мовароуннаҳр, 1999; Тўйчиева Г.У. Ўзбекистон ва диний ақидапарастлик: қарама–қаршилиқ моҳияти ва тарихи. –Тошкент:2006; Исломов З., Тўйчиева Г., Юсупова Н. Демократия, ислом ва аёл. –Тошкент:2006; Ислом: бағрикенглик ва мутаассиблик. –Тошкент:1998; Диний экстремизм ва фундаментализм. –Тошкент:2004; Диний экстремизм ва фундаментализм тарихи, муҳити ва бугунги ҳавфи. –Тошкент:1999; Раджабова М. Диний экстремизм ва террорчилик: унинг илдизи қаерда? Мақсади нима? Унга қарши қандай курашиш керак? –Тошкент:Янги аср авлоди, 2000; Ақидада адашмайлик. –Тошкент:Мовароуннаҳр, 2005.

Маълумки, кишилар онги ва шуурида соғлом диний эътиқодни шакллантириш фуқаролик жамиятини қуришнинг муҳим омилларидан ҳисобланади, чунки диний ташкилотлар фуқаролик жамиятининг таркибий қисмидир. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон тажрибаси мисолида диний эътиқод эркинлигининг дунёвий давлат томонидан тан олинishi ва кафолатланиши, динлар, хусусан, исломнинг равнақи учун зарур бўлган шарт-шароитларнинг тўлиқ муҳайё этилиши, диний эътиқодга инсон ҳуқуқларининг ажралмас қисми сифатида қараш тамойиллари ва уларнинг жамият ҳаётидаги амалий кўринишлари ислом дини, демократия, инсон мувозанатининг мумкинлиги ва табиийлигини исбот этаётган ижтимоий ҳолатдир.

Юртбошимиз Ислом Каримов ўзининг “Ирода ва иймон – эътиқодимиз синови” асарида халқимиз орасида иймон-эътиқод тушунчасини ёшлар онгига сингдириш ҳаракати кучаяётгани, ҳаёт маъносини ўйлаб яшаш иштиёқи борлигини мамнуният билан таъкидлаб, бундай дейди: “Агар одамнинг бахти нимада, деб сўралса, мен кимки ички дунёси, бошқача айтганда, иймон-эътиқоди амрига бўйсуниб яшаса, шундан розилик, қаноат туйса, шубҳасиз, ана шундай инсон бахтлидир, деб жавоб берган бўлардим”<sup>83</sup>.

Оилани эъзозлаш, никоҳни улуғлаш, садоқат, маънавий баркамоллик, комил инсон тарбияси, исломий ахлоқ меъёрлари, мулоқот маданияти, ўзаро муҳаббат, адолат, инсонпарварлик, самиймийлик, саҳоват, бағрикенглик, ростгўйлик, шукр, ҳаё, тежамкорлик, ҳалимлик, виқор, раҳм-шафқат каби ҳислатлар ислом маданияти орқали тарбияланиб, унинг маънавияти даражасини белгиловчи асосий мезонлардан ҳисобланган. Шу боис, ёшлар тафаккурини шакллантиришда диний омил катта аҳамият касб этади.

Шу билан бирга, даврнинг муаммоли ва мураккаб жараёнлари диний эътиқод масаласида сезгирлик фуқаролик нуқтаи назаридан огоҳлик оқни қорадан ажрата билиш, мафкуравий жиҳатдан тобланганликни талаб қилади.

<sup>83</sup> Ислом Каримов. Ирода ва иймон – эътиқодимиз синови. –Тошкент: “Ўзбекистон” нашриёти, 1999. 23-бет.

Чунки диний эътикод бугунги даврда турли гуруҳлар кўлида курул бўлиб, ёшларни ўз манфаатларига қарши қўяётган кучга айланмоқда.

Демак, ёшлар тафаккурини шакллантиришда диний омил масалалари кўйидаги муҳим жиҳатлар мажмуасидан иборат бўлмоғи лозим:

- дунёвий билимлар, жамият қурилиши ҳақидаги демократик тамойиллар, дин – фуқаролик жамиятининг таркибий қисми;

- соф диний, хусусан исломий билимлар, уларни тарихийлик, қиёсийлик ва танқидийлик асосида шарҳлаш, динлар тарихини тўғри тушунтириш;

- маънавий билимлар мажмуаси ва ана шу билимлар сирасида диний-ахлоқий меъёрларнинг ўрни.

Ёшларнинг дунёвий ва диний тафаккури оила муҳити, сўнг таълим муассасалари, турли жамоат ташкилотлари, шу жумладан, диний идоралар ва ташкилотлар орқали шакллантирилади. Ана шу тизимнинг барча иштирокчиларидан катта масъулият талаб этилади. Шахс эътиқоди унинг жамиятдаги хулқини белгиловчи омил бўлгани учун ҳам уни шакллантиришга энг аввало жамият ва жамоатчилик, оила ва барча турдаги таълим муассасалари жалб этилади.

Ёшлар руҳиятида мафкуравий иммунитетни шакллантириш, шу жумладан, диний омил масаласида, уларни турли ақидапарастлик ғояларидан асраш, ғоявий ва маънавий бўшлиқ, ҳосил бўлишига йўл қўймаслик ғоялар курашига қарши тура оладиган ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказиш, давримиз, миллий манфаатларимиз ва давлатчилигимиз ривожини учун мос бўлган ўзига хос янги мафкурани яратиш ёшлар тафаккурини шакллантиришнинг устувор вазифаларидандир. Чунки, “мафкура – ижтимоий амалиётдаги кўпқиррали субъектив манфаатларни мужассамлаштириб, акс эттириб, ифодалаб берувчи ҳолатдир”<sup>84</sup>.

Шундай қилиб, инсон, жамият ва дин алоқадорлигининг ривожланиши бўйича мамлакатимиз тажрибаси шахс, унинг эътиқоди ва давлат

<sup>84</sup> Иминов Б.К. Манфаатлар – сиёсат ва мафкура манбаи. –Тошкент:Минхож, 2002. –Б. 132.

муносабатлари мазмунида табиий ва тарихий тараққиёт таомилларининг муштараклигини тан олишни талаб этади. Табиий тараққиёт таомиллари инсоннинг диний эътиқодга нисбатан бўлган табиий антропологик эҳтиёжидан келиб чиқади. Тарихий тараққиёт таомиллари эса, нафақат соф диний билим ва тафаккур негизидан, балки ундан кенгроқ бўлган маънавий–руҳий қадриятлар мажмуасида шаклланади.

Авесто, Қуръони карим ва Суннада ифодаланган илғор инсоний қарашлар, Муҳаммад Хоразмий, Абу Наср Форобий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний каби қомусий алломаларнинг ижтимоий-фалсафий тафаккури, Хожа Юсуф Ҳамадоний, Аҳмад Яссавий, Абдулҳолик Гиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро каби улуғ мутасаввифларнинг маънавий қомилликка қаратилган фикрлари, Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий сингари буюк муҳаддисларнинг ҳикматлари ва бошқа мутафаккирларнинг асарларида тараннум этилган қомил инсон ва адолатли жамият тўғрисидаги ғоялар тизими ёшлар тафаккурини шакллантиришнинг илмий-назарий ва бадиий-эстетик асосларидан ҳисобланади.

Шундай қилиб Ўрта Осиё халқларининг маънавий ва маърифий қарашлари халқимизнинг бой маънавий меросининг ажралмас қисми саналади. Ўрта Осиё халқлари маънавий ва маърифий қарашларида инсон ва унинг фазилятлари, таълим-тарбия, ахлоқ муаммолари марказий ўринни эгаллаб келди. Унда қомил инсон муаммоси ўзига хос равишда ўз ечимини топганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Зеро, қомиллик маънавиятнинг асосий мезони ҳисобланади. Бу фазилятни эгаллашга интилиш ҳар бир инсон учун муқаддас мақсаддир. Қомил инсон эса Ватан, миллат ва халқ манфаатларини ўз манфаатидан устун қўйишга қодирдир. Ана шу фазилятга эга бўлган кишилар мамлакатда қанчалик кўпчиликни ташкил қилса, у шунчалик юксак даражада ривожланади, барқарорлик таъминланади.

Маъанавият ва маърифатни ривожлантириш улар орқали комилликни шакллантириш мустақиллигимизни мустахкамлашнинг омили бўлиб қолади.

Ёшлар тафаккурини соғлом руҳият асосида тарбиялаш жараёнида диний омил қуйидаги ахлоқий меъёрларнинг шаклланиши учун асос бўла олади:

- инсонпарварлик ва инсонни ардоқлаш;
- ватанпарварлик;
- илмга чанқоқлик;
- хурфикрлилик ва эрк;
- тафаккурга ишонч.

Демак, ёшларнинг ўзларини идрок этишида, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбияланиб, ўз миллий манфаатларини давлатчилик манфаатлари билан ўзвий алоқадорликда англашларида, истиқболларини муҳофаза қилишларида, ўзларида ёт ғоялар ва тазйиқларга қарши тура оладиган соғлом диний эътиқодни шакллантириб, уларни маърифатга йўналтиришда юқорида келтирилган омиллар янги мафкуравий қарашлар тизимининг ўзига хос асосларидан бири бўлиб хизмат қилади.

## ХУЛОСА

Инсон онгида шаклланган қадриятлар, порлоқ келажак, озод ва обод ватан орзусида собитлик, эркин ва фаровон ҳаёт қуришга интилиш ва ишонч соғлом эътиқод натижаси, ифодаси ёки намоён бўлишидир. Соғлом эътиқод эгасида бу туйғу дунёқарашдаги барқарорликни белгилайди, вужудга келган муаммоларни ҳал этишга, қийинчиликларни енгишга, зиддиятларни бартараф этишга ундайди, ахлоқий собитликни, фикр ва амалда изчилликни, ҳаётда эса фаолликни таъминлайди. Бундай эътиқод эгаси доим бунёдкорлик тарафдори бўлади. Шундай экан ёшлар онги ва шуурида соғлом эътиқодни шакллантириш муаммоси ҳеч қачон ўз долзарблигини йўқотмайди.

Тадқиқот давомида эътиқод маънавиятнинг ажралмас қисми сифатида бир қатор функция ва вазифалари ўрганилди ва уларнинг жамият ҳаётидаги аҳамияти очиб берилди.

Биринчидан, диншунослик, фалсафа ва бошқа ижтимоий фанлар доимо бир-бирини тўлдириб келган. Шарқ ва Ғарб мутафаккирларининг ижтимоий-фалсафий қарашлари инсоният маънавиятини юксалтиришга хизмат қилган. Ўрта асрларда яшаб ижод қилган Европалик олимларнинг эътиқод ва диний эътиқод ҳақидаги теологик ва фалсафий талқинлари қиёсий таҳлиллар асосида ўрганилиб чиқилди.

Иккинчидан, инсон маънавий оламининг юксалиши билан боғлиқ турли ҳолатлар, билим ва ғоялар эътиқоднинг муҳим элементлари эканлиги, эътиқодга айланган билим ва ғояларнинг фалсафий таҳлили, улар ижтимоий амалиётнинг натижаси, инсонни билиш борасидаги фаолиятининг ҳосиласи эканлиги, умумий маънода эътиқод инсон дунёқарашининг асосий компоненти эканлиги каби ҳолатлар келтириб ўтилди.

Учинчидан, глобаллашув жараёнлари кечаётган ҳозирги даврда инсоният маънавияти софлигини сақлаб, уни маънавий таназзулдан асраш ҳам умумбашарий муаммога айланиб бораётгани, бу каби жараёнларнинг ҳар томонлама муваффақиятли ҳал этилишида юртимизда амалга

оширилаётган маънавий ва маърифий ислоҳотлар, миллий-маданий ва маънавий-маърифий кадриятларимизнинг сақланишида диннинг, хусусан, диний эътиқоднинг роли қанчалик муҳим эканлиги ёттилди.

Тўртинчидан, эътиқод ва маънавиятнинг муштараклик жиҳатлари, бугунги кунда шахс ва унинг эътиқоди масаласи муҳим муаммолардан бўлиб, кишилар қалбида ва онгида соғлом диний эътиқодни шакллантириш фуқаролик жамиятини қуришнинг муҳим омилларидан эканлиги ва буни Ўзбекистон тажрибаси мисолида қандай ҳал этилаётгани, диний эътиқоднинг маънавиятни шакллантириш ва юксалтиришдаги аҳамияти ҳақидаги фикр-мулоҳазалар келтириб ўтилди.

Бешинчидан эса, диний эътиқодни шакллантирувчи ва маърифатга йўналтирувчи омиллар, кишиларда, айниқса, ёшлар тафаккурини шакллантиришда диний омилнинг аҳамияти, шу билан бирга, даврнинг муаммоли ва мураккаб жараёнлари кечаётган бир даврда, диний эътиқод масаласида сезгирлик фуқаролик нуктаи назаридан огоҳлик каби масалалар ёритиб берилди ва керакли хулосалар чиқарилди.

Битирув малакавий иши якунида қуйидаги умумий хулосаларга келинди:

– Фарбда фалсафа ва илоҳиётшуносликнинг ривожланган илк даврларида кишилик жамиятида динга эътиқод қила бошлаган кишиларнинг эътиқод ва диний эътиқод ҳақидаги қарашлари ва уларнинг ўз фикр-мулоҳазалари доирасида қилган хулосалари ҳамиша эзгуликка асосланганлигини ҳамда ўзига хос аҳамият касб этганлигини кўриш мумкин;

– Ўрта асрларда яшаб ижод қилган Европалик илоҳиётшунос ва файласуф олимларнинг эътиқод ва диний эътиқод ҳақидаги муштарак фикрлари қиёсий таҳлиллар асосида ўрганилиб чиқилди ва улар кейинги илмий ишлар учун асосий омил бўлиб хизмат қилади деган умид қилинади.

## Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

### 1. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари ва расмий манбалар

- 1.1. Каримов. И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд. – Тошкент:Ўзбекистон, 1996.
- 1.2. Каримов И.А. Ўзбекистон: Миллий истиқлол, иқтисодиёт, сиёсат, мафкура. Т. 1. –Тошкент:Ўзбекистон, 1996. –364 б.
- 1.3. Каримов. И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Тошкент:Ўзбекистон, 1997. –326 б.
- 1.4. Каримов И.А. Ирода ва иймон – эътиқодимиз синови. – Тошкент:Ўзбекистон, 1999. –32 б.
- 1.5. Каримов И.А. Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман. –Тошкент:Ўзбекистон, 2000.
- 1.6. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. –Тошкент:Ўзбекистон, 2000. –40 б.
- 1.7. Каримов И.А. Ёшларимиз халқимизнинг ишончи ва таянчи. – Тошкент:Маънавият, 2006.
- 1.8. Каримов. И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Тошкент:Маънавият, 2010. –176 б.

### 2. Хорижий манба ва адабиётлар

- 2.1. Библия. Евангелие от Матфея. (5:7, 5:9). –Киев: 1997.
- 2.2. Блез Паскаль. Мысли. Перевод О.Хомы. –Москва: 1994.
- 2.3. Введение в общее религиоведение: Учебник / Под ред. проф. И.Н.Яблокова. –Москва:Книжный дом “Университет”, 2001. –576 с.
- 2.4. Гуннар Скирбекк, Нилс Гиле. История философии. –Москва:“ГИЦ Владос”, 2000.

- 2.5. Философия: Учебник для вузов / Под ред. проф. В.Н.Лавриненко, проф. В.П.Ратникова. –Москва: ЮНИТИ, 2000.
- 2.6. Соловьев В.С. Магомет: ево жизнь и религиозное учение. –Санкт Петербург: 1902.
- 2.7. Основы религиоведения. Под редакцией И.Н.Яблокова. –Москва:Высшая школа, 1998. –480 с.
- 2.8. История философии. –Москва: 1941. Том-1.
- 2.9. Кимелев Ю.А. Современная западная философия религии. –Москва, 1989.
- 2.10. Эпистемология. Классическая и неклассическая. В.А.Лекторский. – Москва, 2001.
- 2.11. Islamic Philosophical Theology. Ed. by P. Morewedge. New York, 1979.
- 2.12. Classical Approaches to the Study of Religion. 1973, Mouton & Co. N.V., Herderstraat 6, The Hague, Netherlands printed in Hungary.
- 2.13. Соловьев В.С. Спор о справедливости. –Москва – Харьков:“ЭКСМО–ПРЕСС”, “ФОЛИО”, 1999.
- 2.14. М.Лютер. Свобода христианина. Перевод В.Комарова. –В кн.: М.Лютер. Избранные произведения. –Санкт Петербург: 1994.

### **3. Илмий монография, мақолалар ва бошқа асарлар**

- 3.1. Ақидада адашмайлик. –Тошкент:Мовароуннахр, 2005.
- 3.2. Ан-Наъим. Арабча-ўзбекча луғат. –Тошкент: 2003.
- 3.3. Абдусамедов А.Э. Динлар фалсафаси. –Тошкент: 2010. –107 б.
- 3.4. Аҳмедова М. Фалсафа асослари. –Тошкент:Ўзбекистон, 2006. –414 б.
- 3.5. Бағрикенглик – барқарорлик ва тараққиёт омили. –Тошкент:“Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2007. –124 б.
- 3.6. Библия. Ҳаворий Павелнинг римликларга мактуби. (12:18). –Киев: 1997.
- 3.7. Диний экстремизм ва фундаментализм. –Тошкент: 2004.

- 3.8. Диний экстремизм ва фундаментализм тарихи, муҳити ва бугунги хавфи. –Тошкент: 1999.
- 3.9. Гуннар Скирбекк. Нилс Гилье. Фалсафа тарихи: Олий ўқув юртлари учун ўқув қўлланма / Тарж. А.Делетроз, З.Турсунова ва В.Кузнецов. – Тошкент:Шарқ, 2002. –720 б.
- 3.10. Закурлаев А. Гоялар кураши. –Тошкент:Мовароуннаҳр, 2000.
- 3.11. Ислом: бағрикенглик ва мутаассиблик. –Тошкент: 1998.
- 3.12. Ислом тарихи. (Ҳасанов А. ва бошқ.) –Тошкент:“Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2007. –307 б.
- 3.13. Ислом энциклопедияси. З.Ҳусниддиновнинг ум. таҳ. Остида. – Тошкент:“Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси Давлат миллий нашриёти”, 2004. –322 б.
- 3.14. Ислом, тарих ва маънавият. Масъул муҳаррирлар. М.Хайруллаев, Ҳ.Аликулов. –Тошкент:Халқ мероси, 2000.
- 3.15. Исломов З., Тўйчиева Г., Юсупова Н. Демократия, ислом ва аёл. – Тошкент: 2006.
- 3.16. Иминов Б.К. Манфаатлар – сиёсат ва мафкура манбаи. – Тошкент:Минхож, 2002.
- 3.17. Мансуров А. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. – Тошкент:“Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2007. –617 б.
- 3.18. Маърифат – тинчлик асоси. –Тошкент:“Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2007. –196 б.
- 3.19. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар: маъруза матнлари (Қодирова С.Х. ва бошқ.) –Тошкент: 2008.
- 3.20. Мансуров А; Иброҳимов Н; Тўхлиев Н; Ҳасанов А. Эр ва аёл бурчи. Сайланма ҳадислар. –Тошкент: 1998.
- 3.21. Мунавваров З. Дунёвий давлат ва дин. –Тошкент: 2003.
- 3.22. Мусурмонова О. Маънавий кадриятлар ва ёшлар тарбияси. –Тошкент: 2004.

- 3.23. Назаров Қ. Аксиология. –Тошкент:“Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти”, 2004.
- 3.24. Нуриддинов М. Либос ва ҳижоб. –Тошкент:Мовароуннаҳр, 1999;
- 3.25. Тафаккур гулшани: Ватанимиз ва хорижий муаллифларнинг афоризмлари ва ҳикматли сўзлари / Вл. Воронцов композицияси; Ш. Абдураззоқова тарж. –Тошкент:Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981. –584 б.
- 3.26. Тўйчиева Г.У. Ўзбекистон ва диний ақидапарастлик: қарама-қаршилик моҳияти ва тарихи. –Тошкент: 2006.
- 3.27. Тўланов Ж. Қадриятлар фалсафаси. –Тошкент:Ўзбекистон, 2000.
- 3.28. Фалсафа қомусий луғати. (Тузувчи ва масъул муҳаррир. Ф.ф.д. Назаров Қ). –Тошкент:“Шарқ”, 2004. –496 б.
- 3.29. Фалсафа: маъруза матнлари (Назаров Қ. ва бошқ.) –Тошкент: ЎАЖБНТ маркази, 2000. –316 б.
- 3.30. Фалсафа асослари. Маърузалар матни. –Тошкент:“Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2005.
- 3.31. Раҳматов О. Огоҳлик – муқаддас бурч. –Тошкент:Мовароуннаҳр, 2000.
- 3.32. Раджабова М. Диний экстремизм ва террорчилик: унинг илдизи қаерда? Мақсади нима? Унга қарши қандай курашиш керак? –Тошкент:Янги аср авлоди, 2000.
- 3.33. Эркаев А. Маънавият ва тараққиёт. –Тошкент:Маънавият, 2009. –480 б.
- 3.34. Юсупова Н, Исломда аёл ҳуқуқлари. –Тошкент:“Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2006.
- 3.35. Юсупов Э.Ю. ҳадисларда дунёвий ва диний ғояларнинг боғлиқлиги. – Ж. “Ўзбекистонда ижтимоий фанлар”, 1994. 5-сон.
- 3.36. Қаҳҳорова Ш.Б. Глобал маънавият – глобаллашувнинг ғоявий асоси. – Тошкент:“Тафаккур”, 2009. –448 б.
- 3.37. Қодиров М. Марказий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқнинг фалсафайи тафаккури. –Тошкент: 2010.